

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan / e-mail: info@uzas.uz / 2016-yil 12-avgust №33 (4380)





## ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Шу кунларда, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ҳар бир юртдошимиз, миллати, тили, ёши ва касбу коридан қатъи назар, яқин ва узоқ тарихимизни ўзаро қиёслаб, эришилган ютуқларни ўз салоҳияти даражасида таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқаришга ҳаракат қилмоқда.**

Ўтган чорак аср Ўзбекистоннинг тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олиши, жаҳон ҳамжамиятининг мустақил субъекти сифатида халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқи манфаатларига мос келадиган, ҳар томонлама пухта асосланган ички ва ташқи сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва бу борадаги амалий натижалари халқаро экспертлар, мутахассислар томонидан эътироф этилиши даври бўлди.

"Мамлакатимиз эришган ютуқларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун, — деб ёзади мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобида, — бугунги ҳаётни кечаги ҳаёт билан солиштириб кўриш керак. Шундан кейин одам бугунги ҳаётнинг қадрига етади. Юртимиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз ҳаёти, оиласи, қишлоғи, мактаби, ишхонаси мисолида кўрган кишига ўтган кунлар билан бугунги куннинг фарқи ҳамда афзалликлари ҳақида ташвиқот юргизишга ҳожат қолмайди".

Дарҳақиқат, мустақиллик арафасида Ўзбекистонда барча соҳаларда оғир вазият юзага келган, Фарғона, Гулистон, Ўш, Наманган, Паркент воқеалари шундоқ ҳам мураккаб аҳволни баттар чигаллаштириб юборган эди. Ана шундай пайтда — 1991 йил 31 август куни Юртбошимиз катта сиёсий минбардан туриб, бундай деган эди: "Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганлигини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетяпти" (Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", Тошкент: "Ўзбекистон", 2011 йил. 401-бет).

Ана шу ўта таҳликали даврда Ислом Каримов халқимизга қараб, **"Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", "Бизга тинчлик-осойишталик керак, биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шуни таъминлайдиган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз",** деган даъватлар билан асосий мақсад ва вазифаларни аниқ кўрсатиб берди.

Барча масъулиятни ўз зиммасига олиб, амалий ишлар, ҳақиқий ислоҳотларни бошлаган сиёсий етакчи раҳбар Юртбошимиз Ислом Каримов бўлди. "Тинчлик, тотувлик, осойишталикни сақлаш, — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон раҳбари, — Президентнинг бош вазифасидир. Президент тинчлик, тотувлик қўрғонининг меъмори бўлиши керак, деб ўйлайман. Қаердаки тинчликка путур етса, халқ осойишталиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент посбон бўлиши даркор" (Ўша манба, 430-бет).

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз ҳар қандай оғир ва қалтис вазиятларда ҳам Ўзбекистонда тинчлик, тотувлик қўрғонининг меъмори, осойишталикнинг кафолати бўлиб келмоқда ва бунга халқимиз ўтган 25 йил давомида тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар сиёсатини ишлаб чиқди, ўз халқининг тинч-осойишта, фаровон, эркин ва обод ҳаётини таъминлашга қодир, бошқаларга ҳам шуни раво кўрадиган мамлакат сифатида дунёга танилди. Миллий тараққиёт йўлида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

# ЕНГИЛМАС ҚУДРАТ

**Кўпдан буён хаёлимда шу жумла айланиб юрибди. Ҳар куни эрталаб қуёшнинг нурига беланиб ишга борар эканман, атрофимдаги юртдошларимнинг юз-кўзларидан нур таралаётгандек бўлади. Фақат улардан эмас, йўл чеккасига ажойиб шакллар бериб экилган сада райҳонлардан, онаси бағрида ўтиргандек ўзини қўйиб юбориб, қийғос очилиб ётган атиргул, қизилгуллардан, ҳатто нинанинг учидай майсалардан ҳам ҳарорат, нур таралаётгандек...**

Адиб ва жамият

Яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик санасига бағишланган учрашув учун Тошкент вилоятининг Тўйтепа туманига — ҳарбий горнизонга бордик. Биз етиб боргунимизча горнизон клубига йиғилган аскарлар шодиёнани бошлаб юборишган экан. Горнизон ҳовлисида қудратли оҳанглар қанотида:

**Ватаним — жон-таним...**

деган жонбахш сўзлар учиб юрарди, назаримда, бу сўзлар, товушлар ҳам нурли эди...

— Юз-кўзларингизга синчиклаб қарасак, ҳаммаларинг энди ўсмирлик оламидан чиққан йигитчаларсиз. Лекин эгнингиздаги ҳарбий либос сизга ўзгача салобат, жиддийлик бахш этиб турибди. Бу — бежиз эмас. Чунки армия — давлатнинг асосий таянчи. Армияси бўлмаган юрт давлат мақомини ола билмайди. Демак, сиз ўзингизга: "Мен оддий лейтенатман ёки оддий аскарман", деб эмас, "Давлатимизнинг асосий устунларидан бириман", деб қарашингиз керак. Худди шу фикр сизга ҳам масъулият юклайди, ҳам чексиз куч-қудрат бағишлайди.

**Давоми учинчи саҳифада.**

# ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

**Буюк тарихимиз ва азалий қадриятлардан ибрат олиб, Ватанимиз шаънини улуғлаётган юртдошларимиз жасоратини тараннум этиш, тарихий жараёнлар, хусусан, истиқлолимизнинг бадиий солномасини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ёзувчи ва шоирларимиздан катта масъулият талаб этади.**

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида бўлиб ўтган уюшма Фаоллар кенгашининг кенгайтирилган ҳисобот йиғилишида шу масалаларга алоҳида урғу берилди. Йиғилишда иштирок этган Ёзувчилар уюшмаси Фаоллар кенгаши аъзолари, вилоятлар ҳудудий бўлинмалари масъул котиблари, Ижодий кенгашлар аъзолари, "Ижод" жамоат фонди, Уюшма поликлиникаси, "Дўрмон" ижод уйи, Уюшма муассислигидаги газета ва журналлар бош муҳаррирлари уюшманинг жорий йилдаги олти ойлик фаолияти якунлари ва навбатдаги режаларини атрофлича муҳокама қилишди.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

# ҒУРУР ВА ИФТИХОР

Ғалабалар ўзидан ўзи берилмайди. Шон-шараф ўз-ўзидан келмайди. Обрў-эътибор ҳам шунчаки қўлга киритилмайди.

Юрт шаъни, Ватан шаъни, ор-номус, ғурур ва ифтихор сингари ўлмас тушунчалар ҳам ҳаводан тушгани йўқ. Кўз илғамас дунёнинг нариги чеккасида, қитъалар ва минтақалар оша, етти иқлим мамлакатларининг манаман деган полвонларию зўрлари орасида юрт ва миллат шаънини ҳимоя қилиб, шу муқаддас ва табаррук тупроқнинг ҳаққи-ҳурмати, фарзандликнинг нону тузи, меҳру садоқатини олам аҳли кўз ўнгида намойиш қила билиш, ҳақиқатан ҳам ғурурбахш, чинакамига қалбларни жунбушга келтирадиган, кўзларда беихтиёр севинч ва ҳаяжон ёшларини қалқтирадиган ифтихорли лаҳзалардир, дегимиз келади.

Полвон ўғлонларимиз Диёрбек Ўрозбоев билан Ришод Собиров етти иқлим наридаги етти ёт ўлкаларда бутун ғурур ва ориятини жисму жонида жо қилиб курашга тушган паллаларда биз ҳам она юртда, ота уйимизда улар билан баб-баравар майдонга тушгандай бўлдик. Улар билан баб-баравар олишгандай — полвонларимиз қалқса қалқиб, балқиб порласа — биз ҳам чарақлаб порлагандек бўлдик.

Боксчи фарзандларимиз Рустам Тўлаганов ғўлабирдай рақибини боболарга хос сўнгги зарбаси билан мағлуб этганда, ўша қудратли мушт тушган лаҳзаларда, Ҳасанбой Дўстматов, Фазлиддин Ғойибназаровлар эса ўз рақибларини кўз очиргани ҳам қўймаган шиддатли дақиқаларда кўксимизда ёвқур ва довюрак аждодларимизнинг сўнмас шаъну шавкати юртимиз офтобидай чарақлаб порлагандай бўлди.

Не-не донғил ва довруқли мамлакатлар ўртасида, дунёнинг энг муҳташам ва оламшумул беллашувларидан саналмиш Олимпия ўйинларининг муқаддима кунларида Рио де Жанейрода Ўзбекистон байроғининг кетма-кет икки маротаба кўтарилгани — барчамиз учун энг қувончли, энг ғурурбахш воқеа бўлди.

Чарақлаб, ярақлаб турган бу дастлабки медаллар, уларнинг адади ва даражасидан қатъи назар, наинки халқаро кураш майдонидаги эътироф, ўша юқорида айтиб ўтганимиз ғурур ва ифтихор, ор ва номус, Ватан шаъни, миллат орияти билан белгиланади, шу муқаддас бобомерос тушунчалар билан ўлчанади.

Боболар асрлар бўйи армон этган она диёр озодлигининг, йигирма беш йиллик орзу-умидларимиз, меҳнату заҳматларимизнинг, Истиқлолимиз Меъморининг қутлуғ ниятларию юксак ишонч ва эътибори боис бедахл ва бекаму кўст вояга етган навниҳоллар, Ватан отлиғ озод ва обод боғу бўстоннинг жаҳон аро адил бўй кўрсатаётган соғлом ва бардам қадду қоматлари ҳаммамизга муборак бўлсин деймиз.

Ғалабалар ўзидан ўзи берилмайди.

Ватан ҳам ўз-ўзидан Ватан дейилмайди.

Бу чақнаб-ёниб турган кўзлар, илк ғалаба нашидасидан порлаб-чарақлаб турган тетик ва бардам қиёфалар ким дейишлари мумкин.

Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиш остонасидан, ўша долғали кунларданоқ бошланган улуғвор мақсадларимиз, изтироблару интилишларимизнинг бунёду зурриётлари — бугун дунё саҳнида юрт сўраётган азиз фарзандларимиз, дилбандларимиздир улар.







# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўз навбатида бугунги ҳаёт бутун жаҳон ҳамжамияти қатори бизнинг мамлакатимиз олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Бу ҳол, айниқса, мустақиллигимизни асраш, тинч ҳаётимизни, халқимизни, аввало фарзандларимизнинг қалби ва онгини, келажагини асраш борасида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги дунёдаги кескин мафкуравий ўзгаришлар, радикал, агрессив оқимларнинг кучайиб бориши, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айрим давлатларда экстремистик кучлар, тажовузкор гуруҳлар томонидан олиб борилаётган, беозор бўлиб кўринган тескари тарғиботлар ўзининг яширин "жозибаси" билан кўпларни ром айлаган эди. Бугун улар ўзларининг ёвуз башараларини тобора ошкор этмоқда, вайронкор, бузғунчи ғоялари билан қанчадан-қанча ёшларни йўлдан адаштирмоқда.

Бундай шароитда тобора кучайиб бораётган хавф-хатарлардан, қонли тўқнашувлардан, кескинликлардан сақланишнинг ягона йўли — бу ҳушёрлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашдан иборат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу борада ўзининг қатъий йўлини танлаб олди. Президентимиз раҳнамолигида жаҳонда юз бераётган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, турли таҳдид ва хатарлардан элюртимизни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими яратилди. Бу тизим таҳликали вазиятларнинг олдини олиш, уларни остонамизга йўлатмаслик, мамлакатимизда шаклланган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашга имкон бермоқда.

Масаланинг энг нозик жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда мавжуд хавф-хатарларнинг мазмун-моҳиятини олдиндан билиш, аниқлаш жуда қийин бўлмоқда. Шу ўринда буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг фикрлари ёдга тушади: **"Душман кўзингга кўринмагани учун ундан бепарво бўлма, чунки шамол ҳам кўзга кўринмасдан келадию шамни ўчиради"** (Алишер Навоий. Ҳикматлар, Тошкент, 2014 йил. 208-бет).

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда кўзга кўринмасдан, зимдан инсоннинг ақлзаковати, шаъни, ору номуси, ғурурини ўчириб, уни аста-секин хонавайрон этадиган бало-қазолар кўпайиб бормоқда. Улардан сақланиш, албатта, осон эмас. Айниқса, ҳали етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган айрим ғўр ёшлар бундай хатарлар тузоғига илиниб қолаётгани афсусланарлидир.

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, меҳнат қилиши, ижод ва спорт билан шуғулланиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун барча шароитлар, самарали тизим яратилди. Жумладан, бугунги кунда ўн мингга яқин умумий ўрта таълим муассасалари, 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 70 га яқин олий таълим муассасасида ёшларимиз замонавий таълим-тарбия олмоқда. Улар мустақил фикрлаш, давр талаб қиладиган илм-фан ва касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилиш, ота-боболаримиз бошлаган бунёдкорлик ишларини муносиб давом эттириш каби ижобий фазилат ва сифатлар эгаси бўлиб вояга етмоқда.

"Моддий ва маънавий бойлик — юксак парвозга шайланган қушнинг қўш қанотидир", дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Худди шу боис ҳам, мамлакатимизда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркамол шахс сифатида вояга етишига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган «Камолот» уйлари, ёш ҳарбийлар оилалари учун мўлжалланган уй-жойлар, доимий равишда ажратилаётган имтиёзли ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган яна кўплаб дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, уларни янги-янги марралар сари чорламоқда. Шунингдек, ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар лойиҳаларини молиялаштиришни тартибга солувчи 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борада самарали тизим яратилди.

Бугунги ёшларимиз ўз тақдирини Ватан ва миллат тақдири билан узвий ҳолда кўрмоқда. Улар белни маҳкам боғлаб, "Мана, мен борман", деб дадил ҳаётга кириб келмоқда. Кўзлари чақнаб турадиган, компьютерда ишлаш бўладими, хорижий тилларни ўрганиш бўладими, илм-фан, маданият ва санъат, спорт бўладими – қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, дунёдаги тенгдошларидан қолишмайдиган ўғилқизларимиз ўз қобилият ва истеъдодини амалда исботламоқда.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўзида 24 мингдан зиёд тадбир ташкил этилиб, уларда 9 миллион 500 минг иштирокчи қатнашди. Масалан, "Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" акцияси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 570 мингдан зиёд ёшлар иштирокида юзлаб анжуманлар ўтказилди. Айниқса, ҳар томонлама соғлом, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларда тизимли таҳлил, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ватанпарварлик туйғусини оширишга қаратилган "Фаол ёшлар мактаби" тажрибасинов лойиҳасининг жорий этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кенгашлари қошида тузилган "Мунозара" тўгаракларида мингдан ортиқ ёшлар машғулотлар олиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир.

Бугунги ёшларимизнинг маънавий оламини бойитиш, воқеликка мустақил нуқтаи назарини шакллантириш борасида биргина шу йилнинг ўзида "Юксак маънавиятли ёшлар — мамлакат таянчи", "Ёшларнинг маънавий қиёфаси: одоб-ахлоқ ва кийиниш маданияти", "Маънавият оиладан бошланади" каби мавзуларда қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги мафкуравий вазият кескинлашган бир даврда "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдидларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Муайян даражада ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби ғайриинсоний ғояларни тарқатишга интиладиган, катта маблағ ва ресурсларга эга бўлган "оммавий маданият" бугунги кунда бутун инсониятга таҳдид солмоқда, унинг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Бундан 25 йил аввал, яъни 1990 йил 5 июнь куни Юртбошимиз ушбу хатар ҳақида жамоатчилигимизни огоҳлантириб, шундай деган эди: "Оммавий маданият" муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлик руҳи ҳукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб доирасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак". (Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", Тошкент: "Ўзбекистон", 2011 йил. 222-бет).

Давлатимиз раҳбарининг чорак аср муқаддам билдирган бу ташвишли хулосаси нақадар узоқни кўриб айтилганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда мафкуравий ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш бўйича таъсирчан тизим яратилди ва у самарали фаолият олиб бормоқда. Айни шу тизим асосида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан барча вилоятларимизда ўтказилган "Ёшлар "оммавий маданият"га қарши" мавзусидаги ижтимоий акцияда ҳар бир ҳудуддан ўн мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. Олий таълим муассасаларида эса "Ғоямиз — ишончли ҳимоямиз" деб номланган лойиҳа асосида мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда. Юздан ортиқ таълим муассасасида "Бир таҳдидга — беш зарба" номли лойиҳа асосида амалий тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги маълумотлар ёшларимиз энг кўп фойдаланадиган оммабоп сайтларга мунтазам жойлаштириб борилмоқда. Бугунги кунда уларнинг сони юздан ортди.

Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Бу ҳам муҳим", "Муносабат", "Нигоҳ", "Ҳидоят сари" каби кўрсатувлар, "Жараён", "Ҳаёт ва қонун", "Виртуал дунё", "Менга сўз беринг" каби радиоэшиттиришларнинг маънавий-мафкуравий таъсирчанлиги тобора ортиб бормоқда.

Бундай ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, айни вақтда оммавий ахборот воситалари ёшлар онгу тафаккурини ўстириш, уларда турли ёвуз хавф-хатарларга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш борасида кенг имкониятларга эга эканини, шу сабабли, уларнинг фаолияти ва таъсирини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлаш лозим. Матбуотимиз, радио ва телевидениемиз тажовузкор, радикал оқимларга қарши янада дадил ва курашчан бўлиши, ёшларимизнинг қалбига йўл топиши, уларни қийнаётган турли ҳаётий саволларга тўғри жавоб топишга ёрдам бериши зарурлигини бугунги мураккаб замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Биз "оммавий маданият" деганда негадир Ғарбдан кириб келаётган маънавий-мафкуравий таҳдидларни назарда тутамиз. Аслида шундайми? Албатта, "оммавий маданият"нинг энг кучли, таъсирли оқими хориждан, асосан, Ғарб давлатларидан кириб келмоқда. Аммо, ўзбекларда "Қовун қовундан ранг олади", деган мақол бор. Шунга асосан, назаримизда, ўзимизнинг ичимизда ҳам "оммавий маданият"нинг янги-янги шакллари кучайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Бу нарса, айниқса, айрим нодавлат телерадиоканалларда, хусусан, "сариқ матбуот" деб ном олган нашрларда кўпроқ учрамоқда. Олди-қочди гаплар, тўртбешта кишидан бўлак ҳеч ким танимайдиган "эстрада юлдузлари"ни кўкка кўтариб мақташ, фалончининг уйланиши, писмадончининг турмушга чиқиши, либосларнинг фасони ва баҳоси каби мавзуларга бағишланган кўрсатувлар, эшиттиришлар, "мақола"ларнинг тобора кўпайиб бораётгани барчамизни хавотирга солади. Бинобарин, бугун ташқи "оммавий маданият" билан бирга ички "оммавий маданият" томонидан кучайиб бораётган таҳдидларга ҳам кўпроқ эътибор бериб, ёшларимизни унинг салбий таъсиридан огоҳ этиш йўлини излашимиз зарур.

Ёшларимизни ғаразли кучлар тузоғидан сақлаш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат муҳитини кучайтириш учун, юқорида айтилганидек, мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, уларнинг изчиллиги ва самарасини ошириш, янги босқичга кўтаришимиз лозим. Масалан, айрим ҳолларда маънавий тарғибот ишларимиз фақат барчага маълум сийқа услуб ва усуллар билан олиб борилаётгани ҳам сир эмас. Тарғиботчининг салоҳияти замоннинг руҳи, унинг юртимизда барпо этилаётган янги жамиятнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши, одамларнинг қалбига кириб бориши, билдираётган фикрларининг қай даражада таъсирчанлиги билан узвий боғлиқлигини эсдан чиқармаслигимиз даркор.

Бугунги кунда журналистлар, домла ва ўқитувчилар, маънавият соҳасининг вакиллари баҳс ва мунозаралардан, ўткир муаммолардан қочмаслиги, аксинча, ёшларимизни турли хатарларга қарши курашда фикр баҳсига ўргатиши, тинчлик ва осойишталик осмондан тушмаганлигини, бунинг учун доимо курашиб яшаш зарурлигини ҳаётий мисолларда уқтира олишга қодир бўлиши керак.

Маълумки, XXI аср — ахборот асри сифатида тарихга кирди. Ахборотлар оқими шу даражада кучайиб кетдики, очиғини айтганда, биз баъзан уларнинг қулига айланиб қолмоқдамиз, қайси бири биз учун фойдали-ю, қай бири зарарли эканини англаб ҳам етолмаяпмиз. Натижада, билим савияси саёз, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлмаган айрим ёшлар турли қинғир йўлларга кириб кетмоқда.

Биз халқимизни асрлар давомида улуғлаб келган буюк фазилатлари тўғрисида кўпроқ гапиришимиз лозим. Аммо, Юртбошимиз таъкидлаганидек, фақат эришган ютуқларимизга, тарихимизга, аждодларимизга маҳлиё бўлиб яшаш бизга ярашмайди. Тарбия соҳасида бугун, шу соатда бажарилмаган, эътибор қилинмаган вазифа эртага ўзининг нохуш оқибати билан жиддий зарар етказиши мумкин.

Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, бугунги йигит-қизларимизнинг айрим гуруҳлари ўртасида пайдо бўлаётган салбий ҳолатларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Келинг, шундай салбий ҳолатларни бир эслаб кўрайлик. Маълумки, компьютер технологиялари, интернет тизими ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Бу нарса айрим фарзандларимизда "технократик маданият" омилининг кучайишига сабаб бўлмоқда. "Технократик маданият" эса баъзи ёшларда интернет тизимига тобеликни, пировард натижада улар онгида ўзбекларга хос бўлган жамоавийлик руҳияти ўрнига индивидуалистик қарашлар, самимийлик, меҳр-шафқат ўрнига қўполлик, дағаллик, тажовузкорликни кучайтирмоқда.

Шунингдек, "оммавий маданият", Ғарбнинг кучли таъсири остида айрим йигит-қизларимизнинг ҳаётга бўлган муносабатида гедонистик, яъни ҳаёт фақат роҳат-фароғатдан иборат деган қарашлар юзага келаётганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу — ўта хавфли таҳдиддир. Унинг натижасида ёшларимизнинг айрим қисмида фақат ўзини ўйлаш, худбинлик, ўз манфаатини миллат ва Ватан манфаатидан юқори қўйиш кайфияти кучаймоқда. Энг ёмони, гедонизм ҳолати айрим йигит-қизларда истеъмолчилик кайфиятини пайдо қилишга олиб келмоқда.

Шу маънода, биз — ота-оналар, устоз-мураббийлар, катталар ёшларимиз ҳаётидаги ана шундай камчиликларни бартараф этиш учун кундалик ташвишларимизни баҳона қилмасдан, бир кунда ҳеч бўлмаганда ярим соат улар билан суҳбатлашсак, уларнинг оламига кирсак, кўп муаммолар ҳал қилинган бўлар эди.

Маънавий-маърифий ишлар айрим кишилар ўйлагани каби мавҳум жараён эмас, балки аниқ тизимга эга ижтимоий ҳодисадир. Бу иш билан ҳар куни, мунтазам равишда шуғулланган тақдирдагина у кутилган натижани бериши мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қадр-қимматини, бугунги тинч-осойишта ҳаётнинг асл моҳиятини англаш, яхши билан ёмонни ажрата олиш, дўст киму душман кимлигини билиш — бу осон иш эмас.

Барчамизга маълум бир ҳақиқат бор: ҳамма нарсанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти таққослашда билинади. Шундай экан, бизнинг маънавий-маърифий соҳадаги ишларимиз мамлакатимиз ва жаҳоннинг ҳали у, ҳали бу давлатларию минтақаларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни солиштириш, улардан муайян, адолатли хулосалар чиқаришга ундаши лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугун дунё мафкуравий таҳдидлар остида қолди. Шундай пайтда "Кучли мафкуравий рақиб"га биз ўзимизнинг миллий қадриятларимиз билан йўғрилган юксак маънавиятимиз билангина жавоб беришимиз мумкин. Маънавий-маърифий, мафкуравий соҳадаги вазифалар дунёдаги воқеаларга мос равишда ўзгариб туради. Бугунги мафкуравий усул эртага эскирмоқда, самараси йўқолмоқда. Мафкуравий соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш эса бу борада тинимсиз изланишни талаб этади. Бу борада Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, марказ томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг янги, самарали, натижадорликка асосланган усул ва услублари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Унга кўра, аввалги анъанавий тарғибот воситаларидан фарқли равишда, ҳар бир ёшнинг онги ва қалбига кириб бориш мақсадида, электрон омммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, радио ҳамда интернет сайтлари ва мессенжерлари, ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланишга янада кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Ёшлар ўртасида кенг оммалашган **"E-yoshlar.uz"** интернет танлови ҳамда **www.fikr.uz, www.mgm.uz, www.ziyonet.uz** сайтларига мунтазам равишда жойлаштириб борилаётган тарғибот материаллари шулар жумласидандир.

Шунингдек, "Маънавият тарғиботчисига ёрдам" рукни остида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини, унинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби асосий тамойилларини кенг ёритиб берадиган ўнлаб рисолалар чоп этилди.

Халқимиз асрлар давомида оила ва қўни-қўшничилик анъаналарини мустаҳкам сақлаб келган. Бу бизда қадрият даражасига кўтарилган. "Қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақол бекорга айтилмаган. Бу масалага мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, ушбу йўналишда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан шу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Маҳаллаларимизда ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва тотувлик, бир-бирига ишонч, меҳр-оқибат руҳи кучайиб бормоқда.

Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. 10 минг нафарга яқин бундай тарғиботчи-тарбиячилар бугунги куннинг руҳини жуда яхши ҳис этган ҳолда, ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажармоқда. Уларнинг иш сарҳадлари шунчалик кенгки, бундай маслаҳатчилар маҳаллаларда соғлом муҳитни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, айни пайтда, мавжуд турли маиший муаммоларни ечиш, маҳалладошларининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш ҳамда уларни ҳал этишда беминнат кўмакчи бўлмоқдалар. Жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминловчи бундай ижтимоий институтнинг иш самарадорлигини янада ошириш жуда муҳимдир. Шу маънода, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ишлаб чиқилган "Маслаҳатчига маслаҳат" қўлланмаси муайян аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишлари, хусусан, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бугунги куннинг ўта долзарб масалалари нафақат шу соҳанинг мутассаддилари, балки барчамизнинг, шу жумладан, барча ташкилот, муассаса ва идоралар, умуман олганда, бутун жамоатчилигимиз олдида турган муҳим вазифадир. Назаримизда, бу борада барча тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, мазкур соҳадаги параллелизм-такрорланишларнинг олдини олишни ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Жумладан, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик кенгаши мажлисида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури"ни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини янада уйғунлаштириш, уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, шубҳасиз, олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу боис, ушбу мақолада билдирилган фикр-мулоҳазаларни кенг жамоатчиликка ҳавола этиш орқали соҳага дахлдор ва мутасадди бўлган ташкилотлардан, кенг жамоатчилигимиз, ўзининг бугунги ҳаёти ва эртанги тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиздан бу борадаги ўта муҳим вазифалар юзасидан янги таклиф ва тавсияларни кутиб қоламиз.

**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази**

# ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Истиқлол туфайли барча соҳалардаги сингари, бадиий адабиётга, қалам аҳлига эътибор жамият ҳаётининг устувор тамойилларидан ўрин олди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али йиғилишни очар экан. — Демак, адабиётга, маънавиятга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби, "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида миллатимиз маънавиятини янада бойитиш юзасидан қимматли фикрлар билдирилган. Бу асарлар биз учун ҳамиша дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Пойтахтда яшаб ижод қилаётган қирқ нафардан ортиқ таниқли адиблар вилоятлардаги ижодий сафарлари давомида юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз турмуш тарзи, ободлик, фаровонлик йўлидаги интилишлари билан яқиндан танишдилар. Бунинг натижасида марказий газеталарда "Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан", "Ватан учун яшайлик" рукнлари остида ўттиздан ортиқ салмоқли публицистик мақолалар чоп этилди.

Бундан ташқари, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Ана шундай қутлуғ кунлар муносабати билан мамлакатимиздаги кўплаб олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий билим юртлари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ижодий учрашувлар ўтказилди.

Уюшма томонидан олти ойда жами 18 номдаги китоб нашрдан чиқди, яна 4 та китоб нашрдан чиқиш арафасида. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб чоп этилган асарлар орасида "Минг бир ибратли ҳаёт" китоби, истеъдодли ёш ижодкорларнинг асарлари жамланган "Биз — истиқлол фарзандларимиз" деб номланган ёшлар баёзи истиқлолимиз моҳиятини очиб бериши билан қимматлидир.

Юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эгаларини аниқлаб, улар ижодини юзага чиқариш — Уюшманинг доимий эътиборидаги вазифалардан саналади. "Биринчи китобим" лойиҳасида 11 нафар истеъдодли ёш ижодкорларнинг илк китоблари ҳар бири 20 минг нусхадан, жами 220 минг нусхада чоп этилди. Бу китоблар мамлакатимиздаги таълим муассасаларига, бир қатор ташкилотларга совға сифатида етказиб берилди. Шунингдек, "Баҳор булбулларининг чаҳ-чаҳи" деб номланган ёш таржимонлар баёзи ҳам 20 минг нусхада нашрдан чиқди. Бу китоб мамлакатимизда нашр этилган ёш истеъдодли таржимонларнинг илк баёзи эканлиги билан қимматлидир. Унда 15 нафар ёш таржимоннинг ўнта хорижий тилдан ўзбек тилига қилган таржима асарлари жамланган.

Таъкидлаш керакки, Ёзувчилар уюшмасида нашрга тайёрланаётган китобларнинг аксарияти юртимиздаги вазирликлар, идора ва ташкилотларга, олий таълим муассасаларига бепул тарқатилади.

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган турли кўрик-танловларда ҳам шоир ва ёзувчиларимиз фаол иштирок этмоқда. Улар ўз асарларида бугунги кунга шукроналик, осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, тинчликни кўз қорачиғидек асраш, "оммавий маданият" таҳдидидан ёшларимизни огоҳ этишга чорлайдиган долзарб мавзуларни қаламга олишган.

Кенгайтирилган йиғилишда эришилаётган ютуқлардан ташқари айрим камчиликларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бугун ёзувчиларимиз қандай ижодий ишларни амалга оширмоқда, ижодкорлар ўзларининг фуқаролик позициясини, масъулиятини етарли даражада ҳис этаяптими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, буюк ўзгаришлар ҳақида қандай янги асарлар яратилмоқда, ёзувчилар ўзларининг бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётгани сингари масалалар ўртага ташланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбай Каримов, Андижон вилоят ҳудудий бўлинмаси масъул котиби Хуршида Қўчқорова, уюшманинг Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси масъул котиби Жамолиддин Муслим ва бошқалар сўзга чиқиб жойларда уюшма аъзолари томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар хусусида тўхталдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг масъул ходими С.Шукуров сўзга чиқди.

Ҳисобот йиғилишида ёзувчиларимизнинг ярим йиллик ижодий фаолияти муҳокама қилиниб, энг яхши асарлар эътироф этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодий ишлар мазмундорлигини янада ошириш бўйича 2016 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, "Дўрмон" ижод уйи фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли вазифаларни амалга оширишга бағишланган режалар белгилаб олинди.

**Ахборот хизмати**

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# ШИЖОАТНИ БАЙРОҚ ҚИЛ

## ТАРОЗИ

**Тонгда айвонингга чиқасан яйраб,**
**Тарбият қиласан жисму жонингни.**
**Тинчлик деган бир қуш тепангда сайраб,**
**Қўриқлаб туради хонадонингни.**

**Ҳолбуки, эллар бор, қирқ йилдан буён,**
**Мотам либосини ечган эмасдир.**
**Ҳар зум фалокатта маҳкумдир инсон,**
**Тинчлик деган сўз ҳам, демак, абасдир.**

**Ювиниб, тараниб жўнайсан ишга,**
**Кундалик юмушни ўйлайсан фақат.**
**Ўрганиб қолгансан сокин турмушга,**
**Ёнингдан оқади осойишта вақт.**

**Ҳолбуки, дунёда шундай жойлар бор,**
**Текшириб кўради пайпоғингтача.**
**Кимлигинг сўрайди такрор ва такрор,**
**Сўрайди етти пушт-аймоғингтача.**

**Бу ҳолнинг тагига етганлар борми,**
**Дарё ҳам ёндошдир саҳролар билан.**
**Нафратда яшайди дунёнинг ярми,**
**Ярми эса яшар дуолар билан.**

## ТАЛҚИН

**“Дунё тинчдир,**
**Халқлар ҳам якдил,**
**Метин каби мустаҳкам сафи”.**



**Буни фақат айтади ғофил,**
**Бу — ўйловсиз одамнинг гапи.**

**“Оҳ, қанийди тинч бўлса дунё,**
**Ва жам бўлса халқлар мушт каби”.**
**Бу — ҳаётнинг сўзи мутлақо,**
**Бу — донишманд одамнинг гапи.**

## ИНСОН

**Шукрона айт доим, виждонинг қийнаб,**
**Турфа савдолардан бўғилганингда.**
**Бир умр яшардинг бамбукни чайнаб,**
**Агар панда бўлиб туғилганингда.**

**Худо кўрсатмасин, чаён бўлсанг гар,**
**Нобуд қилар эдинг ўзингни ўзинг.**
**Фахр этсанг арзийди осмонлар қадар,**
**Бордир Инсон деган шонли юлдузинг.**

**Одамга ярашмас тубанлик, пастлик,**
**Худбинлик эмасдир олий ғояси.**
**Инсоннинг кифтидан бошланар асли,**
**Чексиз коинотнинг пиллапояси.**

**Оёғинг остида поядоз дунё,**
**Саховат бобида эрурсан Ҳотам.**
**Икки оёғингнинг орасидан то,**
**Туя ўтиб кетсин — дер эди отам.**

**Агар сен нолисанг, дарёлар қуриб,**
**Тоғларнинг ўрнидан кўчгани яхши.**
**Олис юлдузлар ҳам кўкка бош уриб,**
**Надомат комида ўчгани яхши.**

**Фалак фахр этмишдир Инсонни туғиб,**
**У асло ҳалокат недир — кўрмасин.**
**Прометей саҳрода хас-хашак йиғиб,**
**Алпомиш чумоли териб юрмасин.**

## КАССЕТА

**Набирам кассета қўяр гоҳида,**
**Узоқдан келади ўктам бир нафас.**
**Ер-осмон ёнгудек унинг оҳида,**
**Муҳаббат аталмиш ҳеч ўлмас бу сас.**
**Баланд қил, кўкларга ўрласин нолам,**
**Бу менинг навқирон чоғим-ку, болам.**

**Тағин овоз келар йироқ-йироқдан,**
**Ватан деб, элим деб тортилган наъра.**
**Ҳануз нур оламан ўша чироқдан,**
**Сен ҳам шу Ватаннинг корига яра.**
**Қоғоз жангтоҳ эди, туғим-чи — қалам,**
**Бу менинг улғайган йилларим, болам.**

**Турфа садоларни тургайман тинглаб,**
**Мана бу суҳбатим, мана бу — достон.**
**Бари муҳрланиб қолмишдир, ажаб,**
**Бирида маъюсман, бирида шодон.**
**Барибир, яшадим шуҳратта ҳамдам,**
**Бу менинг етуклик давримдир, болам.**

**Охир эшитилар паришон овоз,**
**Сўзин англаб бўлмас, бари аралаш.**
**Ҳар шеър ўқилганда шилдирар қоғоз,**
**Ўрнимдан қалқаман, кўнглим бўлар ғаш.**
**Бас қил, юрагимни эзмасин алам,**
**Бу менинг кексалик пайтим-ку, болам.**

## ОБОДЛИК

**Кўрдик, жами дунёнинг**
**Бир хилдир қари-ёши,**
**Ҳеч кимнинг елкасида**
**Иккита эмас боши.**
**Қўли ё тўртта эмас,**
**Биттадир юраги ҳам,**
**Ортиқ бўлсанг ортиқсан,**
**Ҳеч кимдан эмассан кам.**
**Сенинг ҳам салтанатинг**
**Гуллаган бир замонлар,**
**Ёзилган буюк “Хамса”,**
**Қурилган Регистонлар.**
**Бозорларинг билмаган**
**Кеча билан кундузни.**
**Ойни баркаш айлашган,**
**Харид қилган юлдузни.**
**Бу кун замонинг келиб,**
**Омадинг чопди яна,**
**Темурбек авлодисан,**
**Қилсанг арзир тантана.**
**Шижоатни байроқ қил,**
**Қўлингда экан юган,**
**Тоғдек тиласанг агар**
**Қирдек бераман деган.**
**Фақат юртинг тинч бўлиб,**
**Фикринг ўссин ҳур, озод,**
**Ниятинг ижобатдир,**
**Демак, Ватан ҳам обод.**

## БОЛАЖОН

**Болажон дейилса — табассум тайёр,**
**Меҳру шафқат тайёр, тараҳҳум тайёр.**
**Алла айтар ҳатто камгап аёл ҳам,**
**Болажон дейилса — такаллум тайёр.**

# ВАТАН – МАНГУ ҚЎШИҚ

## *ТАҲРИРИЯТГА КЕЛАЁТГАН ШЕЪРЛАРНИ ЎҚИБ...*

**Бетакрор ва жонажон юртимиз энг улуғ, энг азиз байрам тараддудида. Айни кунларда байрам шукуҳи чулғаган шаҳар-қишлоқларимиз янада гўзаллашиб, кундан кунга чирой очаётир. Мамлакатимизнинг қай бир гўшасига боқсангиз, тантаналарга ҳозирлик кўрилаётган муҳташам кўчалар, янги бунёд этилган осмонўпар бинолар, турли-туман ниҳоллари чаман бўлган боғларни кўриб ҳайратга тушасиз. Юртимиз камоли барчанинг қалбида фараҳбахш туйғулар уйғотаётир.**

Таҳририятимизга келаётган хатлар орасида Ватан мавзусига бағишланган асарлар сони ортиб бораётгани сабаби ҳам аслида шу. Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган фаровон ҳаёт манзараларининг бахшидаси – илҳом меваларидир. Жумладан, Самарқанд вилояти Иштихон туманидан бир даста шеърлар юборган Бек Али: “Кўзларимда яраклар учқун, Юрагимда Ўзбекистон бор...” дея шодлик, қувонч туйғуларини баён этади. Шу ўринда устоз адиб Ойбекнинг машҳур шеъридаги “Юрагимда Ватаним...” сатрлари ёдга тушади ва бугунги тинч-фаровон кунларнинг қадри қанчалар баландлигини чуқур ҳис этамиз.

Тошкентлик Дилшод Ёқубов янги шеърида “Недир Ватан туйғуси?” деган саволга жавоб излайди ва бу муқаддас туйғуни она табиат, юрт тарихи, буюк аждодлар ибратидан топади: “Недир Ватан туйғуси? Тафти эрур қуёшнинг, Ерга берган барака. Ҳайбатидир тоғларнинг, Қувват бўлган юракка...”.

Элликқалъалик тарихчи қаламкаш Самандар Исмоилов “Азал буюк юртим – ҳур Ўзбекистон” шеърида “Қадим юртимсан, замини нур Ўзбекистон, Азал тамаддунга Ватан бўлган бу бўстон. Билсин-ки, аҳли жаҳон, эй муносиб ворис, Келажакда ҳам бўлишин дунёга достон”, дея маърифатни, юртимизда яшаб ўтган алломаларни мадҳ этишга интилади.

Бухоро вилоятидаги Кўзи ожизлар махсус кутубхонаси раҳбари Аъзам Ўроқов “Жаннат юртим Ўзбекистон”, “Қудратли бўлур” номли шеърларида муқаддас қўрғон – мустаҳкам оиланинг гулу лолалари – фарзандлар бахт-саодати билан юрт пурвиқор бўлишини таъкидлаб, Ватанни юқори пардаларда куйлашга ҳаракат қилади:

**Истиқлолдан чирой очган нурли бўстоним,**
**Қадди баланд, қадри баланд Ўзбекистоним!**

Тошкент вилояти Чиноз тумани Яллама қишлоғида истиқомат қилувчи Собиржон Зоитов “Ўзбекистоним” шеърида жаннатмакон юртимизнинг табиати, чаманзорлари, осмонўпар тоғларини қаламга олса, бухоролик меҳнат фахрийси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Исомиддин Жуманинг “Мустақиллик қўшиғи”, “Ким эдигу ким бўлдик”, “Шукроналик тараннуми” шеърларида ҳам бугунги фаровон, эркин ҳаёт, мустақилликнинг энг улуғ неъмат эканлиги тараннум этилади:

**Ота-боболарнинг орзулари бугун ижобатдир,**
**Дунё бизга шу қадар қойилу ҳайрон бўлганмиди!**

Қорақалпоғистон Республикасидан хат йўллаган Тожиддин Абдувоҳидов “Истиқлолинг муборак, Ўзбекистоним!” шеърида замонамиз қаҳрамонлари, бунёдкорлари, мамлакатни бўстон қилганлар – Ҳазрати Инсонларни улуғласа, Халқ таълими аълочиси, пойтахтлик Ҳури Каримова “Энг азиз, энг улуғ” шеърида Ватанни “...кўзимнинг нури, кўнглим ғурури”, дея эъзозлайди.

Музаффар Сайфуллаевнинг “Обод уйлар муборак” номли қўшиғида шаҳарга айланаётган қишлоқдаги янги уйлар, фаровон турмуш куйга солинади:

**Шу уй, шу юрт бизники, боғ қилдик, чаман қилдик,**
**Болам яйраб ўссин деб, бир обод Ватан қилдик.**

Зеро, халқимизда янги уй қурганларида, иморат солганларида “Бир ватан қилдик-да” деб айтилади. Музаффарнинг бу шеъри заминида миллий анъаналар нафаси сезилади. Аслида ҳам Ватан остонадан, хонадондан бошланади.

Ўрта Чирчиқ Агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Асал Давлетованинг “Ҳур Ўзбекистон” шеърида олтин водий сари ўтган темир йўл туннели шоирона тасвирланади:

**Тоғларнинг кўксини қуёш безайди –**
**Туннелдан чарақлаб чиққанда карвон...**

Пойтахтлик Нуриддин Аминжоннинг “Йигирма беш”, “Меҳри офтоб”, Бахтиёр Ҳусановнинг “Истиқлол неъматлари”, сурхондарёлик Хайрулло Насриддиновнинг “Ватаним”, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан Неъматхон Нажмиддинхон ўғлининг “Истиқлол”, “Олтин бешигим”, Бухоро вилояти Қоракўл туманидан Раҳмон Очил Пойкандийнинг “Ўзбекистонни куйлайман”, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан Нодира Муҳаммаджонованинг “Она Ватан”, Қўрғонтепа Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Хуршида Жўраеванинг “Ўзбекистоним”, хўжаободлик Содиқжон Тўхтамуродовнинг “Азиздир инсон”, бўзлик Илҳомжон Тожибоевнинг “Юрт соғинчи”, Фарғона вилоятидан Зулфия Юнусованинг “Ватан мардларига”, Мухтор Хўжаевнинг “Ватанга муҳаббат”, Бахтиёр Йўлдошевнинг “Истиқлолим, бахт бердинг элга”, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман Агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Исроиловнинг “Истиқлолинг муборак”, оҳангаронлик Озод Хушназарзоданинг “Ўзбекистоним”, Наманган вилояти Косонсой туманидан Анорбой Олимовнинг “Истиқлол сурури”, “Тўйингга тўёналар ярашар, Ватан!”, навоийлик Шаҳбоз Файзуллаевнинг “Ватан” сингари шеърлари, шубҳасиз, бугунги бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёни таъсирида яратилган. Шунингдек, қашқадарёлик Ўроқ Саид, ангренлик Бахтиёр Қурбонов, марҳаматлик Собиржон Ҳакимов, Тоштемир Қаюмов, наманганлик Шамсиддин Баҳрий, Дилфуза Шерматова, Гулбаҳор Акбарова, зарафшонлик Гулнора Бозорова, муборaклик Назокат Эркаева, ғиждувонлик Нодира Ҳамраева, хатирчилик Лутфилла Қандаҳаров, асакалик Иқболхон Марибжоновалар ҳам шеърларини йўллаганлар.

Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Таҳририятга келаётган қўлёзмаларнинг барчасини эълон қилиш учун имконият чекланган. Юрт мадҳига қалам ростлаган барча ижодкорларимизга дурдона асарлар яратиш йўлида омад тилаймиз. Зеро, энг улуғ, энг азиз байрам тантаналари, ҳуррият шаббодалари шеъриятга ошно қалбларда завқу шавқ уйғотишига ишонамиз.

Муқаддас мавзу – Ватан ҳақида ёзиш ва уни эл-юрт эътиборига ҳавола этиш ижодкорнинг ғоят масъулиятли ва шарафли бурчи эканини унутмаслигимиз шарт. Бу борада адабиётимизда яратилган дурдона асарларни ўқиб-ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ватан – мангу қўшиқ! Бу қўшиқни авж пардаларда куйлаган Ҳамид Олимжон (“Ўзбекистон”, “Ўлка”), Ғафур Ғулом (“Билиб қўйки, сени Ватан кутади”, “Сизники”), Ойбек (“Бир ўлкаки...”, “Қишлоғимни эсларкан”), Миртемир (“Ўзбекистон”, “Шундоғам севаманки”), Абдулла Орипов (“Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Ўзбекистон”) сингари устоз адибларнинг бетакрор шеърлари қалблардан чуқур жой олган.

Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб сингари мумтоз адабиёт намояндаларининг Ватан қадри мавзуидаги машҳур ғазал ва рубоийлари ҳам барчамизга ёд бўлиб кетган.

Бу бўстонда ҳазрат Алишер Навоийнинг асрлар оша яшаб келаётган биргина рубоийсини такрорлаш кифоя. Унда мужассам бўлган маънолар хазинасига нигоҳ ташласангиз, Мустақиллик неъмати, озодлик, Ватан қадри ҳақидаги фикрлар дур мисоли нурланади:

**Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,**
**Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.**
**Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,**
**Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.**

Ушбу тўрт сатр дурдонанинг изоҳи жилд-жилд китоб ёзишга арзийди. Албатта, Ватан ҳақида саҳифалаб шеър ёки такрорлардан иборат достон эмас, балки достонга арзигулик тўртлик ёки саккиз қатор чинакам шеър ёзиш ҳам мумкин. Бу, албатта, мангу қўшиқ бўлиб қолади.

**Назм ва наср бўлими**

# ЕНГИЛМАС ҚУДРАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Адиб ва жамият

Тарихчи олимимиз Нозим Ҳабибуллаевичнинг бу гапларини аскарларимиз гулдурос қарсаклар билан олқишлашди. Қарсаклардан ҳам учқун сачраётгандек...

Домла мустақиллигимизнинг илк кунлари, Туркистон ҳарбий округи ўрнида республика Мудофаа вазирлигининг ташкил этилгани, бу қийин жараёнда Юртбошимизнинг жасорати ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, хаёлим ўша пайтларга, ундан ҳам аввалроқларга кетди...



Амаким билан тоғам баравар ҳарбий хизматга чақирилган. Собиқ иттифоқнинг энг совуқ ўлкаларидан бири Новосибирск томонларда хизмат қилишган. Ёзган хатлари икки ярим, уч ойда етиб келарди. Эналаримнинг зорланишлари ҳануз қулоғимда:

— Бу почта деганининг оёғи чўлоқ, кўзи кўрми? Пайпаслаб юрсаям ўғлимнинг ёзган хатини олиб келадиган вақти бўлди-ку. Тонглар отмай, кунлар ботмай кетяпти-ей...

Эналаримнинг жигарбандларидан хабар кутиб юраклари узилганларидан ташқари яна бир манзара кўз олдимда қолган. Онам билан тоғам, амакимга “посилка” жўнатгани тез-тез почтахонага борардик. Почтачи биз олиб борган майиз, туршак, новвотларни алоҳида-алоҳида ўровда ёғоч қутига жойлаб, михларни “тўқ-тўқ” уриб маҳкамлар экан, доим:

— Болаларимиз ёз-куз неъматларидан бебаҳра-да. Мана шуларни жўнатмаса, онангизнинг ҳам, қайнонангизнинг ҳам томоғидан сув ўтмайдида, уларни тушунаман. Мен ҳам Калининградда хизмат қилганман, — деб қўярди.

Уч йиллик айриликдан сўнг тоғам ва амакимни поезд шоҳбекатида кутиб олганмиз. Улар поезддан тушибоқ этикларини ечиб отишган. Ялангликда, майсалар устида роса ирғишлашган. Ўша пайтда ўсмир фаҳмим билан кўп нарсани англамаганман. Кейинчалик билсам, уч йил музликларда, нам ҳавода яшаган жигарларим қуёш нури, тупроқ тафтига интиқ бўлиб кетган экан.

Аскарлар билан боғлиқ яна бир воқеа хаёлимга маҳкам ўрнашиб қолган. Қишлоғимизда Жамила исмли бир аёл бор эди. Саккиз қиздан сўнг ўғил кўрган, исми Холмат эди. Тошкентда Политехника институтининг кечки бўлимида ўқиётганда ҳарбийга чақирилади ва Москва атрофларидаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қила бошлайди. Хизмат бошлаганига бир йил бўлмай... Холматгинанинг темир тобутда жасади келди. Тобутини очишга қўйишмайди. У билан бирга келганлар дафн маросимининг бошида туришди.

“Ҳарбий ҳаётнинг машаққатларига дош бера олмай, Холмат жонига қасд қилибди”, дейишган эмиш. Аммо орадан йиллар ўтиб, Холмат билан бир қисмда хизмат қилган ҳамқишлоғимиз:

— Холмат ўз жонига ўзи жабр қиладиган йигит эмасди. Унинг йигит умрига бошқалар зомин бўлди. Наиложки, нима бўлганини айта олмайман, бунга ҳаққим йўқ, — деб йиғлаган экан.

Шўрлик Жамила опа савдойи бўлиб қолди. Қишлоқ кўчаларида:

— Менинг ўғлим ўлганмас, шунинг учун тобутни очишмади. Холматим қоронғу бир уйда банди экан. Гулсум фолбин айтди, — деб кўринганга гапириб юрарди. Унинг кўнгли учун одамлар:

— Ҳа, ўғлинг — тирик, эрта-индин кириб келади, – дейишарди. Онаизор ана шу ёлғон таскинларга суяниб яшаб, саробларга ишониб бу дунёдан ўтиб кетди.

...Аскарларнинг қарсаклари нурдан нурсизликка кўчган хаёлларим тўрини узиб юборади. Минбарга кўтарилган навбатдаги нстиқ юртимизнинг бугунги ободлигидан сўзлайди:

– Президентимиз отамерос маконимиз Ўзбекистонимизни мустақил давлат дея эълон қилган дастлабки даврларда бор имкониятларидан жудо бўлаётганига чидай олмаган мустабид тузум амалдорларидан бири: “Ўзбекистон паровоз ажратиб ташлаб кетган вагондек ора йўлда ҳеч қаёққа силжий олмай қолиб кетади”, деган эди.

Унинг писандсизлик билан айтган гапларининг чиппакка чиқиши учун бор-йўғи йигирма беш йил керак бўлди. Бор-йўғи чорак асрда Ўзбекистон жаҳон майдонига чиқди. Айниқса, юртимизда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити ўтаётган ҳаяжонли кунларда пойтахтни водий билан боғловчи темирйўлнинг очилиши тарихий воқеа бўлди.

Ҳар бир нотиқни аскарларимиз бир кўз, бир қулоқ, бир вужудга айланиб эшитаётгандек гўё. Яна чапаклардан клуб жунбушга келади. Менга бу қарсаклар мустақил юртимиз аскарларининг юрак зарбларидай бўлиб туюлади. Ўша қора кўзлар кузатувида минбарга кўтариламан:

– Ҳар биримизнинг ҳаётимизда қувончли кунлар бўлади. Айниқса, туғилган кунларни чиройли байрам қиламиз. Ота-онамизнинг, ўзимиз, жуфтимиз, фарзандимизнинг туғилган кунлари... Лекин энг катта қувонч бу – мустақил Ватаннинг туғилган куни. Биз сиз билан ана шу улуғ кунни, қутлуғ кунни байрам қилишга йиғилдик. Сиз шеър сўраяпсиз. Биз учун Сизнинг Ватан бағрида она қучоғида юргандек эркаланиб юришингиз энг чиройли шеър. “Ватан сарҳадларини жоним билан қўриқлайман”, деган қасамёдингиз яна битта қудратли шеър. Шукрким, биз тинчликда яшаймиз. Лекин дунё чайқалиб турибди. Терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси... Инсониятнинг осойишта ҳаётига чангал солаётган баттол ёвларнинг номи турли-туман, лекин амали битта: яхшиликни, саодатни маҳв этиш...

Бу қабоҳатга қарши турувчи бир куч бор – муҳаббат. Она юртимизни жондан севсак, чиндан севсак, бизнинг озодлигимизга биров дахл қила олмайди. Чунки муҳаббатга – Ватан муҳаббатига қарши тургувчи куч йўқ.

Ватан муҳаббати ҳамиша ғолиб, ҳамиша енгилмас муҳаббат!

Ўзим айтаётган “Ватан” сўзидан ўзимга ҳам куч келгандек бўлди ва қорачиқларида муҳаббат ёлқинланаётган аскар ўғлонларга шеър ўқий бошлайман:

**Ёниб биттан бўлса йўлингдаги чим,**
**Синиб тушган бўлса бошингдан қафас.**
**Суюнчига бериб яхшидан яхшим**
**Сени суюнтиргим келар ҳар нафас.**

**Суюнчи бўларли нимам бор менинг?**
**Севиб, кулиб турган кўзим бор фақат.**
**Қуёшим, ҳавомдек, ноним, сувимдек,**
**“Жоним Ватан” деган сўзим бор фақат.**

**Ховандар юрагим, самандар ёдим,**
**Қутлибека деган туркона отим,**
**Эркин ҳаёт билан икки қанотим**
**Бир ўғил, биргина қизим бор фақат.**

**Сени суюнтиргим келади жуда,**
**Суюнчи бўларли нимам бор менинг?**
**Сенга берсам, ўзим қизармайдиган,**
**Майда тортмайдиган, озаймайдиган?**

**Севиб, кулиб турган кўзимдан бошқа,**
**Севиб, куйлаб турган сўзимдан бошқа,**
**Муҳаббат қўллари билан жонингдан**
**Маҳкам қучиб турган ўзимдан бошқа –**

**Сенга арзийдиган нимам бор, жоним,**
**Сенга арзийдиган нимам бор, Ватан?**
**Менинг Ватан деган шоним бор фақат,**
**Сенга бахш эттувчи жоним бор фақат.**

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Лутфий таваллудининг 650 йиллиги

# МАВЛОНОЛАР МАЛИКУЛКАЛОМИ

**Маликулкалом Мавлоно Лутфий туғилган йилни мутахассислар Навоий ва Хондамир маълумотлари асосида 1366 деб белгилайдилар. Демак, 2016 йил Мавлоно Лутфий таваллудига 650 йил тўлади. Ҳазрат Навоийнинг "Тўқсон тўққуз ёшида оламдин ўтди", деган маълумотига асосланиб, Лутфий вафотини 1465 йил деб белгилайдилар. Диққат қилинса, айрим олимлар Навоий айтган 99 ни Лутфий туғилган сана — 1366 га қўшиб қўйиб, 1465 йилда вафот этган, деб ёзаверган.**

Лекин бундай ҳисоб Григорий календари биландирки, ушбу тақвим Навоий даврида урф бўлмаган. Навоийнинг даврида жорий бўлган ҳижрий-қамарий йил ҳисобини олганда, Лутфий қамарий сана ҳисобида 99 йил яшаган бўлса, вафоти санаси "Ўзбек адабиёти тарихи" китобидагидек 1465 эмас (биздаги бошқа ҳамма китобларда ва русча нашрларда ҳам шундай), балки 1462-1463 йиллардир. Демак, Лутфий ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 99, жорий ҳисобда 96 йилдан зиёд умр кўрган. Абдуллоҳ Кобулийнинг "Тазкират ут-таворих" асарида эса Лутфий ҳижрий 867 йил шаъбон ойининг 17-куни вафот этган дейилади. Бу эса ҳозирги сана бўйича 1462 йил 14 июн кунидир. Айни мана шу манбага асосланиб Заки Валиди Тўғон, Исмоил Ҳикмат ўз ишларида шоирнинг таваллуд санаси сифатида шу йилни кўрсатади. Профессор Янош Экман ҳам унинг 867/1462-1463 йилларда вафот этганини ёзган. Камол Эраслон мана шу санани келтириш билан бирга Хофман келтирган 1465-1466 ва 1492 йилни ҳам эслатиб кетади. Елизар Бирнбаум эса ҳар икки санага ишора қилади. Демак, Лутфийнинг вафот санаси ҳақидаги дунё олимларининг асосли эътирофини биз ҳам қабул қилиб, дарсликлардаги хатони тузатишимиз лозим.

Мавлоно Лутфийнинг асл исми борасида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. "Ўзбек адабиёти тарихи"да тахаллусдан келиб чиққан ҳолда "Бу шоирнинг асли исми Лутфулла бўлиб, Лутфий ҳам шу номдан келиб чиқиб қабул қилинган тахаллус дейишга асос беради", деб ёзилган. В.Раҳмонов Хожа Исматуллоҳ Мўъжизий рисоласига ёзган сўзбошисида, Убайдуллоҳ Лутфий деб таништиради. Пўлотжон Қайюмий "Тазкират уш-шуаро"да бир муаммо-байт келтириб, ундан абжад ҳисобидаги Умар исмини чиқаради. Бироқ бу муаммо Лутфий асарларининг танқидий матни ва нашрларда учрамади. Англашимизча, домла "Қомус ул-аълам"га асосланиб, шундай фикр юритгани маълум. Айни манбада XX аср бошларида яшаган бошқа бир Умар Лутфий-Фикрий (1872-1934) хусусида ҳам сўз юритилган (шу ўринда янглиш йўқмикан, деган иштибоҳ туғилади). Сахий Бейнинг "Ҳашт беҳишт", Аҳдий Бағодийнинг "Гулшани шуаро", Ошиқ Чалабийнинг "Машойир уш-шуаро", Баёнийнинг "Тазкираи шуаро" тазкираларида исми кўрсатилмаган ҳолда "Мавлоно Лутфий" дея тилга олинган. Бундан ташқари кейинги тазкираларда Мустафо Сафоий, Мужиб, Исмоил Болиғ ва бошқалар уч Лутфий, Довуд Фатийн беш Лутфий ҳақида маълумот берадиларки, уларни Мавлоно Лутфий билан аралаштириб юбормаслик керак. Шунингдек, айрим тазкиранавислар ўзларига замондош бўлган бошқа Лутфийлар ҳақида ҳам сўз юритадики, баъзи бир мутахассислар ишларида уларни Мавлоно Лутфий деган ҳоллар кузатилмоқда.



Мавлоно Лутфий йигирмадан зиёд асар яратгани билан махсус ҳасби ҳол тузмаган, шунинг учун ҳам шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўша замондаги адабий манбалар ва шоирнинг бизгача сақланган "Девон"ига мурожаат қиламиз.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Мавлоно Лутфий ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берган. Унга кўра Мавлоно Шиҳобиддин Хиёбоний (899/1493 йилда 80 ёшида вафот этган) воситасида тасаввуф билан боғланган, шоирликда машҳур бўлса ҳам дарвишликни қўлдан қўймаган. Вафот этгач, ўз қасабаси Деҳиканорга қўйилган. Навоий Лутфийнинг машҳур байтини келтириб, уни маликулкалом деб атагани ҳам маълум.

**Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,**
**Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.**

Ҳазрат Навоий "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларида Лутфийни улуғ шоир сифатида эътироф этганини ҳам биламиз. "Мажолис ун-нафоис"нинг Иккинчи мажлисида махсус банд остида Лутфий ижоди ҳақидаги маълумот Ҳазратдан кейин кўплаб тазкира ва тарихларга кўчиб ўтган. Бироқ мазкур асар Саккизинчи мажлисининг "Хилват" деб аталган иловасида Султон Ҳусайн ҳузуридаги адабий мажлислардан сўз юритиб, унда Мавлоно Лутфий билан бўлган яна бир учрашув тилга олинади.

Тарихчи ва шоир Сафиуддиннинг "Латойиф ут-тавойиф" асарида Лутфий ва Бойсунғур Мирзонинг қуйидаги суҳбати келтирилади: "Мирзо Бойсунғурнинг тарбияткардаси бўлган шоир Мавлоно Лутфий бир куни Мавлоно Музаффар Ҳиравийнинг "боғ" радифли қасидасига гўзал бир жавоб берди ва Мирзога кўрсатди. (Мирзо) дедики, унинг "сарой" радифли қасидасига ҳам жавоб беринг. У (Лутфий): "Аввал мен унинг боғини кўрайин, сўнгра "сарой"га оёқ қўяман", деди. Мирзо кулимсираб, унга кўп ҳадялар берди". Ишончли манбалар асосида келтирилган бу ҳикоят Лутфийнинг дақиқ таъбидан, ҳозиржавоблиги ва шеъриятимизнинг ўткир зеҳнли устози эканидан дарак беради.

Бундан ташқари Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ"да келтирган ёш шоир Алишер билан устод Лутфий суҳбати машҳур. Хондамир "Ҳабиб ус-сийар"да: "Мавлоно Лутфий таъб майинлиги ва хулқ яхшилиги билан сўзга оро берувчи шоирлардан устун эди. Туркий ва форсий тилларда дилни ўғирловчи шеърлар назм қиларди... Мавлоно Лутфий йигитлигида илм ўрганишга киришган, шундан сўнг дарвишлар тариқати сари юзланиб, то оламдан ўтгунига қадар бу равишда собитқадам бўлди", деб ёзади.

Лутфий ҳаёти ҳақида замондошлари ёзган бошқа манбаларга эга эмасмиз. Шундай экан, ҳаётига оид бошқа маълумотларни шоирнинг асарларидан излаймиз. Чунки улуғ шоирнинг "Зафарнома" асосидаги маснавийси бизгача етиб келмаган, "Гул ва Наврўз" қисмати ҳали тугал ҳал бўлганича йўқ. Бирдан бир манба шоирнинг "Девон"и бўлиб, унинг нисбатан тўла танқидий матни 1997 йилда Гунай Қараоғоч томонидан нашр этилган. "Девон" қўлёзмаларининг 6 нусхаси асосида танқидий матн тузган олимнинг ёзишича, Лутфий "Девон"и 1 тавҳид, 1 наът, 4 қасида, 361 ғазал, 113 туюқ (рубоийлар алоҳида ажратилмаган) ва 57 фарддан иборат бўлиб, жами 537 шеърни ўз ичига олади. Лутфийнинг қасидалари муайян шахсларга бағишлангани учун унинг ҳаётига доир маълумотларни тўлдиради. Шулардан бири:

**Туман минг шукр ким қилди**
**мадад таъйиди субҳоний,**
**Ким оғриқ тан шифо топди**
**фаридун фар жами соний** —

деб бошланадиган 29 байтли қасида Шоҳрух Мирзога бағишланган. Байт мазмунидан унинг касалланиб, шифо топганини биламиз. Тарихий манбаларга кўра 1427 йил 22 февралда Шоҳрухга суиқасд уюштирилган ва уни яралашган. Воқеан ана шундан кейин табиблар ёрдамида шифо топган султоннинг соғайганидан хурсанд бўлиб ёзилган. Бу ҳақда 4-байтда шоирнинг ўзи қасида бағишланган шахснинг номини тилга олади...

Шу каби олим Шоҳрухга бир қасида ва бир ғазал, Шоҳрухнинг ўғли Бойсунғур Мирзога икки қасида, Бойсунғурнинг ўғли Алоуддавлага бир қасида бағишлаганини аниқлайди. Булардан келиб чиқиб, Лутфий 1414-1433 йиллар давомида Бойсунғур Мирзо ҳимоясида бўлганини белгилайди.

**Шукрким Ҳақ фазлидин бўлди**
**дуолар мустажоб,**
**Ким музаффар бўлди душман узра**
**шоҳи камёб** —

деб бошланувчи қасиданинг 3-байтида Бойсунғурнинг исми ҳам тилга олинади ва унинг уста хаттотлигига 8-байтда ишора қилади.

Лутфий девонида қасида ва ғазаллардан кейин рубоий, қитъа ва туюқлар келади. Бу кичик жанрлар орасида Лутфий туюқларининг сони юқори. А.Н.Самойловичнинг қайд этишича, туркий адабиётда Қози Бурҳониддиндан сўнг бу жанрга катта аҳамият берган шоир Лутфийдир. Лутфий туюқларида мана шу ўзига хос жанрнинг кўплаб намуналаринигина эмас, балки санъаткорона топилган сўзлар, улардаги янги маъноларнинг шеърнинг ички мантиқига мос келишини кузатамиз. Шоир девонига кирган 537 шеърнинг юзга яқини туюқ жанрида эканлигининг ўзи шоирнинг мазкур жанрга муносабатини англатиб турибди.

Лутфийнинг ҳар икки тилда бирдай ёзишини Навоий эътироф этган, Абдуллоҳ Кобулий "Форсийда ҳам чиройли шеърлари ва ёркин қасидалари бор", деб ёзган. Айрим тазкираларда алоҳида байтлари берилган бўлса-да, яхлит ҳолида форсий "Девон"и учрамади.

Ўзбек шеъриятининг улуғ сиймоларидан бири Мавлоно Лутфий ҳақида адабиётшунослигимиз етарли манбаларга эга эмас. Ҳатто шоирнинг ҳақиқий исмини ҳам билмаймиз, асарларининг илмий танқидий матни эса нашр этилмаган. Бизга таниш бўлган йигирма уч тазкирада Лутфий ҳақида қисқа-қисқа бандлар учрайди. Тазкираларда берилган маълумотлар, асосан, Навоий ва Хондамир асарларидаги фикрларни такрорлайди. Шундай экан, ўзбек шеъриятининг устозларидан бири, Навоий каби улуғ шоирлар ижодининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган Мавлоно Лутфий ҳақидаги тадқиқотлар давом этиши табиий.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

## ЛУТФИЙ

### ҒАЗАЛ

**Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,**
**Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Ўқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун,**
**Муттасил ё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Мени ёзурма "севар" деб, ки менинг ҳаддим эмас,**
**Ул таманно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Борма дерлар эшики сори дамо-дам, нетайин,**
**Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Қора мўйин ҳаваси бирла қоронғу кечада,**
**Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Душману дўст орасинда мени ғофилни мудом**
**Бе сару по қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**
**Ўзгадин кўрма, ки кўзунг ёшини, эй Лутфий,**
**Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.**

### ТУЮҚЛАР

**Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,**
**Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.**
**Қилча танга бори ишқинг ёр эди,**
**Бир сари бўлди фироқинг доғи бор.**

* * *

**Боғи ҳуснунгдин гуле гар тергамен,**
**Бош агар борса бу йўлда, тергамен.**
**Ой юзунгни кунга ўхшатқон учун**
**Ғарқа бўлмишмен уёттин терга мен.**

* * *

**Туз, бегим, бу дамда суҳбат кўкини,**
**Тут аёғ, кес дарду ғамнинг кўкини.**
**Иликингдин чиқса бошқа бир аёқ,**
**Кўзга илмон дунёнинг ер-кўкини.**

* * *

**Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,**
**Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини.**
**Йиғлама кўп, бу вужудинг ишқ ўти,**
**Не қуруғин қўйғуси, не ёшини.**

# ҚАЛБЛАРНИ ОБОД АЙЛАСАК

Мактуб

*Истиқлол барчага бирдек эмин-эркин меҳнат қилиш имконини яратиб берди. Чинакам тадбиркор, ишбилармонлар турли соҳаларда тер тўкиб хусусий мулк эгаларига айланиб, юртимизнинг иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишаётир.*

*Айни пайтда бойлик орттиришни ўзига бирдан-бир мақсад қилиб олган, мол-дунё кетидан қувиб, ўзининг ҳам, оиласининг ҳам маънавий-маданий ҳаётига лоқайд қараб, халқимизга хос орият, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, одамгарчилик сингари хислат ва фазилатларни унутиб қўяётган кишилар ҳам учрайди. Таниқли адибимиз Қамчибек Кенжа ана шундай — фикру зикри пул топиш билан банд бўлиб, элдан, биродару қариндошларидан четлашиб қолган одамларга мактуб жанрида битган публицистик асари орқали мурожаат қилади.*

*Жонкуяр ёзувчининг собиқ дўстига кўнглини очиб айтган гаплари маънавиятни, инсонийликни, ор-номус ва қадр-қимматни баланд тутишга даъват этади. Зеро, кўнгил мулки, қалб ободлиги ҳар қанча моддий бойликдан афзал ва қимматлидир.*

***Таҳририят***

Дўстим Мақсудали...

Гурунгларимиз тарқаб, жўраларнинг пароканда бўлиб кетганига ачиниб юрардиму, ҳа, энди тирикчилик ташвишлари-да, деб ўзимга тасалли берардим. Яқинда, Сизни кўргани Ҳотам билан борган кунимиз (санаториядан келганингизга бир неча кун бўлган экан) кўнглимдан баъзи мулоҳазалар ўтди.

Юзларингиз анча оқариб, кўзларингиздаги ёлқин андак хира тортган эди. Ваҳоланки, Сиз улфатлар орасида энг қувноқ, энг серғайрат жўрабошилардан бири эдингиз.

Ҳовлингиз дарвозаси ҳам ҳамиша очиқ, дастурхонингиз тўкин бўларди. Нуфузлигина ташкилотга қарашли озиқ-овқат дўконининг мудири эдингиз. Сезишимча, тушум чакки эмас эди.

Дўкон биз жўраларга қулай – йўл устида бўлгани учун ора кунда Сизнинг ҳузурингизда тўпланишиб қолардик. Сиз "чақирилмаган меҳмонлар"ни сира оғир олмас, аксинча, бошингиз кўкка етгудай суюниб, бир зумда қозон кабоб ё силтамани (гўшт ҳам сотар эдингиз) товоққа солиб, дўконингизнинг омборхонасига олиб келардингиз. Еган таомимиз шунақа мазали туюлардики... Сал фурсат ўтмай, ҳазил-ҳузул бошланиб, хона қаҳқаҳага тўларди.

Кейин улгуржи тижоратга ўтиб кетдингиз. Катта бозорда гавжум муюлишни эгаллаб, икки биқинингизга икки ўғлингизни олиб, савдо-сотиқни авж олдириб юбордингиз. Бозорга йўлимиз тушганда ё Сизнинг дилкаш суҳбатларингизни қўмсаганда ёнингизга ўтардик. Илгари суҳбат жиловини ҳеч қўлдан бермайдиган одам энди жуда кам гапирардингиз. Биз билан тамадди қилиб ўтирсангиз-да, хаёлингиз, икки кўзингиз харидорда эди. Ўғилларингиз харидорларга нарсаларни пеш қилишаётганига қарамай, икки-уч киши тўпланиб қолса, ўрнингиздан беихтиёр туриб кетардингиз.

Олдинлари ҳар куни соқолингизни қиртишлардингиз. "Битта галстук камлик қиляпти-да...", дея ҳазиллашарди жўралар. Энди эса, афтидан, иягингизга ҳафталаб устара тегмасди. Сизни тижорат ишқи, пул ишқи шу куйга солган эди. Авваллари томчилаб тушадиган даромадга қониққан, дўстларини жони-дилидан яхши кўрадиган одам, энди фойда сувдай оқиб келаётганига ҳам қаноат қилмай қўйган, "маишатингиз" нон-нўхот бўлиб қолган эди.

Кейин-кейин Сизни у жойда учратмай қўйдик. Ўғилларингиздан сўрасак, бир гал Тошкентга, бир гал хорижга молга кетди, деб жавоб беришарди...

Дарвоқе, мен аслида ўзаро оқибат тўғрисида гапирмоқчи эдим. Биз ўн икки нафар жўра эдик – йилнинг ҳар ойида учрашиб, гурунглашиб турардик. Ана шу кунни орзиқиб кутардик. Қучоқлашиб, бағримизни бағримизга босиб кўришардик. Ҳар йили ёзда салқин гўшаларга бориб, икки-уч кун дам олиб қайтардик. Тўйларимиз, бошқа маросимларимизда бел боғлаб хизмат қилардик. Меҳр кўзда, деб бежиз айтишмаган-да. Кўнгил яқинлар ҳам бир-биридан қанча йироқлашган сари совиб, бегоналашиб бораверар экан. Бу нарса жўрамиз Абдулҳафизнинг бошига мусибат тушганда билинди. Аввало, унинг ўзидан: нима бўлди, қандай ёрдам керак, деб сўрашга ярамадик. Оиласидан, болаларидан хабар олиб қўяйлик, деб кўп гапириб юрдик, лекин уюшолмадик, қовушолмадик. Ҳотам икковимиз тасодифан унинг касалхонада ётганини эшитиб қолдик. Айтишларича, унинг қаттиқ оғриб ётганига икки ойдан ошган экан, демак шу вақт ичида бирортамиз фалончи нега кўринмайди, деб ўйламабмиз, суриштирмабмиз. Ўшанда жонлантириш бўлими йўлагида Абдулҳафизнинг хотини, укаси, онаси бизнинг елкамизга суяниб юм-юм йиғлашди. Биз Оллоҳдан жўрамизнинг дардига шифо, яқинларига сабр-тоқат тилашдан бошқа ёрдам беролмадик.



У икки кундан кейин вафот этди. Дўстимизнинг аҳволидан хабардор бўла туриб, Ҳотам иккимиз унинг жанозасидан ғафлатда қолибмиз. (Менга шуниси алам қилди.) Эртасига фотиҳага бордик. Буни қарангки, келиб-кетаётганлар орасида жўралар йўқ эди. Мен Абдулҳафизнинг укасидан секин шивирлаб: "Фалончи келдими, пистончи-чи?" деб сўрадим. Сиз ва яна Мўминжон келиб кетган экансизлар. "Нега тез кетиб қолишди, ишлари шунақа тиғизмикан?", деб ажабландим, оғриндим. Авваллари бирон жўрамизнинг яқинроқ кишиси қазо қилса ҳаммамиз унинг ёнида саф тортиб, тасалли бериб турардик-ку! Бу сафар жўрамизнинг қариндоши эмас, унинг ўзи оламдан ўтди-ку! Нимага биз жўралар дўстимизни сўнгги манзилга элтишга ярамадик?! Ахир, ғамгузорлик қилиш биздан лозим эмасмиди? Нега шундай қилмадик, қилолмадик? Нега? Жўрамиз шунча йиллар давомида юрагимизнинг бир парчасига айланмаганмиди? Ёки биз бир-бирларининг яхши-ёмон кунларида асқотадиган, хурсандчилигу ташвишларини баҳам кўрадиган дўсти-ёр эмас, шунчаки ҳамсуҳбат, шунчаки "ҳамтовоқлар" эдикми? Наҳотки улфатчиликлардан, жўра тутинишдан, ёру биродарликдан мақсад фақат дастурхон – зиёфат бўлса?!.

Азиз биродар! Мен Сиздангина ўпка-гина қилмоқчи эмасман. Тўғриси, Сизни тужжорлик ишларига муккасидан берилиб, пулга тузоқ қўйиб, жўраларга ҳам қўл силкиб юборди, деб ўкиниб юрардим ўзимча. Аслида, бу тубсиз уммон гирдобига шўнғиб кетган ёлғиз Сиз эмас эдингиз...

Бир куни уйда бетоб ётганингизни эшитиб, уч-тўрт жўра кўргани кирдик. Йўлда сал уриниб, шамоллаб қолибман, дедингиз. Аслида, эшитишимизга қараганда кимлар биландир мол талашибми, йўл талашибми, жанжаллашиб калтакланган ва жигар-буйрагингиз қаттиқ шикастланган экан. Узоқ ётдингиз, йиққан-терганларингизни муолажага, дори-дармонга сарфладингиз.

Мен афсуландим, ўзимдан, бошқалардан ранжидим. Нега ўша – бизни нон-нўхот билан "сийлаган", кўзларингиз харидор йўлига олазарак бўлиб, беҳаловат юрган пайтларингизда Сизни ўртага олмадик? "Нима қиляпсиз ўзи биродар, Сизга шунча кўп пул, мол-давлат керакми? Мол-дунё йиғаман, деб соғлиқни ҳам унутиб, ўзни ўтдан чўққа уриш шартми?", дея танбеҳ бермадик. Тўғри, панду насиҳатларимизга қулоқ солмаслигингиз, жўралар нима қилиб берарди, дейишингиз мумкин эди. Чиндан ҳам баъзида жўралар тугул, оға-инилар ҳам бир-бирига ёрдам қўлини чўзолмайдилар. Бу тўй-томоша, ўлим-йитим маросимлари, кундан-кун кўкка ўрлаб бораётган ҳою ҳавас, ҳашамлар... Ҳар бир ўғил-қизнинг орзу-ҳаваси эса бир дунё. Аммо барибир ҳаётнинг асосий ташвиши, яшашдан асосий мақсад шундангина иборат бўлмаслиги керак-ку.

Дўстим, шаҳарларимиздаги кенг, равон кўчаларни, чиройли, пурвиқор замонавий бино-иншоотларни, ранг-баранг фаввораларни, гулзорларни кўринг. Мустақиллик, истиқлол меваси бўлмиш ана шу буюк ўзгаришлар, юксалишларга қараб туриб, фақат бойлик орттириш ғамида, шахсий истак-хоҳишлар қобиғида, чўнтак қаппайтириш ташвишида юрганлардан уялиб кетади одам.

Ҳа, ҳаётда моддият ва маънавият деган тушунчалар бор. Улар одамзот учун икки қанотдир. Қорин тўқ бўлсаю, қалб оч, яъни иккинчи қанот заиф бўлса, униб-ўсиш, юксакликка парвоз қилиш, юртга, Ватанга нафи тегадиган комил инсонийлик мақомига кўтарилиш мушкул.

Инсоннинг ички олами, руҳиятини акс эттирувчи маънавият низомига кўра, дунёга фақат моддият, яъни мол ва пул назари билан эмас, фақат ақл нигоҳи билан эмас, балки ҳеч қандай молу дунёни ҳам тан олмайдиган қалб нигоҳи билан ҳам қараш керак. Маънавият бу — ахлоқ, жумладан, сабр-қаноат, шукроналик, ҳалимлик, камтарлик, соддалик, самимиятдир. Зеро, маънавий қашшоқлик, яъни юқоридаги хусусият ва омилларнинг етишмаслиги одамни худбин, дунёқарашини тор, фақат ўз ўқи атрофида, ўз доираси ичида ўрлашаверадиган нокасга, нодонга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Энг хавфлиси, худбинлик, нокаслик, нодонлик эса жамоадан узоқлашишга, жамоадан узоқлашиш жамиятдан узоқлашишга, жамиятдан узоқлашиш эл-халқ эътибори, назаридан узоқлашишга, эл-халқ назари, эътиборидан узоқлашиш эса юрт келажагига, Ватан тақдирига дахлдорликдан узоқлашишга сабаб бўлади. Бундай қисматдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Ҳаётнинг хурсандчилик, қадрдонлар дийдори каби буюк неъматлари ҳам борлигини, кўнгил яқинлар бир-бирига интилиб, бир-бирининг корига яраб яшашлари лозимлигини, бу ҳамжиҳатлик эса жамиятнинг, демакки, яшашнинг асосий омилларидан бири эканлигини Сизга эслатгулик эмас.

Мақсудали, ушбу иддаодан муддао: бир-биримизни соғиниб, бир-биримизга талпиниб, бир-биримизни кўрганда баҳридилимиз очилиб кўришадиган оламимизга, бунинг учун, энг аввало, жамоага, маънавий қадриятларга қайтсак, бир-бирларимизнинг қалбларимизни обод айласак! Кўнгли обод киши юртни, Ватанни ҳам обод кўргиси келади ва шунга интилади.

Дўстим, баъзи андиша ва истиҳолаларга бориб исм-шарифларни ўзгартирдим. Қолаверса, менингча, бизга ўхшаган бошқа жўралар ҳам кўп, албатта. Балки улар орасида ҳам шундай узилишлар, узоқлашишлар бордир. Балки уларга менинг айтганларим андак сабоқ бўлар... Шунинг учун баъзан сал ошириб юборган бўлсам (аслида мен ўз назаримда анча хаспўшлаб, юмшатиб ёздим), тўғри тушунасиз ва мени маъзур тутасиз деб, Сизнинг дўст-ёрлар, жамоат орасидаги дилкаш суҳбатларингизни қўмсаб:

***Қамчибек***

Умр ибрати

## *СЕРҒАЙРАТ АДИБ*

*Гуркуровлик деҳқон фарзанди Қамчибек Кенжа ижодини шеър ёзиш билан бошлади. У аввалига қўлимдан келармикан, дея бироз чўчиди ҳам.*

*Илк шеъри туман газетасида босилиб, тенгдошлари уни муборакбод этгандаги қувончини сўз билан ифодалаш қийин. Дўстларига ёқибдики, демак, бошқаларга ҳам ёқадида. Шундан кейин Қамчибекда «қайнаш»лар содир бўлди: назмнинг сиру асрорини ўрганди, арузда ҳам машқ қила бошлади. Бир ғазалини қишлоқ ёшлари қўшиқ қилиб куйлашди. Бу ҳам шоирга қанот берди.*

*Бадиий адабиётнинг бошқа жанрлари ҳам Қамчибекнинг эътиборидан четда қолмади. Прозадек мураккаб ва машаққатли соҳага қўл уришдан чўчимади. Қишлоқда ўз кўзи билан кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни қаламга ола бошлади.*

*Гуркуров қишлоғи Қорадарёнинг шундоқ биқинида. Бу ерда нима кўп балиқ овловчилар кўп. Ёзувчи отаси билан бўлиб ўтган бир воқеани қаламга олди. Ҳикоя марказий газеталарда босилди. Таниқли адибларнинг назарига тушди. Улар Қамчибекни қутлашди, "оқ йўл" тилашди. «Балиқ ови», «Соҳилда», «Кўнгил кўчалари», «Эҳ Дилбар, Дилбар», «Зоринтизор» каби бири-биридан чиройли, эсда қоларли асарлар юзага келди.*

*Шундай қилиб Қамчибек Кенжа ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида танилди. Прозанинг имконияти жуда кенг. Қамчибек бундан самарали фойдаланди. «Орзумандлар», «Тошқин», «Бобурийлардан бири» каби қиссаларидан кейин адабий давраларда жиддий баҳсларга сабаб бўлган «Палахмон», «Машаққат ва жасорат» романлари нашр этилди.*

*Муҳтарам ёзувчимиз Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг аъзоси сифатида қарийб чорак аср мобайнида бир неча салмоқли сафарномалар битди. Бу унча-бунча ёзувчининг қўлидан келадиган иш эмас, аслида. «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача», «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда» сингари китобларида буюк алломаларимиз, саркардаларимиз ҳаёти ва фаолиятлари, улар ўтган йўллар, юртлар, шаҳарлар, миллат ва элатлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.*

*Албатта, олимлар, адабиётшунослар бу сафарномаларни муносиб тарзда таҳлил ва талқин қилиб беришади. Менга қолса, бу асарларни публицистик романлар, деган бўлардим.*

*Суюкли адибимизнинг бу жасорати ва ғайратини қутлаймиз. Тиниб-тинчимас, заҳматкаш ижодкорни сермазмун умрнинг ярқироқ довонлари билан муборакбод этамиз.*

***Олимжон ХОЛДОР,***
***Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби***

# ШАРҚ ВА ҒАРБ — МУШТАРАК

**Катта дарёга қўшилувчи ҳар бир ирмоқ ўз йўлига эга бўлгани каби мустақиллик йилларида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Тошкент биенналиси ҳам ижод оламининг янги довонларини забт этмоқда. “Суратига эмас, сийратига назар сол” деганларидек, замонавий мусаввирлик ижодини теран англаш учун гоҳида мавжуд меъёрлару чегаралар доирасидан ҳатлаб ўтиш лозим. VIII Тошкент халқаро замонавий санъат биеннелеси бу йўналишда илғор изланишларни жам этган кенг ижод майдонига айланади.**

Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан шу йилнинг октябрь ойида ўтказилиши режалаштирилаётган анъанавий санъат анжумани учун бош мавзу сифатида “Чегараларни кенгайтириб — дунёни бирлаштирамиз” шиори танлангани аслида чуқур маънога эга. Жаҳон маданий ҳаётида тобора кенг илдиз отаётган глобаллашув жараёни, умуминсоний қадриятларни қайта англашга бўлган интилиш, турган гапки, тасвирий санъат тараққиётига янгича назар солишга ундамоқда. Бугун жамиятнинг ҳар бир аъзоси, жумладан, мусаввир ҳам турли ижодий довонлар, изланишлар доирасини чекловчи чегараларга дуч келиши мумкин. Уларни енгиб ўтиш учун эса эски қолиплардан озод бўлиш, янги изланишлар оламига қадам қўйиш зарур. Шу ўринда 2013 йилда бўлиб ўтган сўнгги биеннале учун “Турфа маданиятлар — ягона дунё” мавзуи танлангани ёдимизга тушади. Кўриниб турибдики, санъат анжумани мустаҳкам шаклланган бадиий-ғоявий пойдеворига эга. Бу жараёнда ҳамиша маданиятлар мулоқоти, ҳамкорлик ва дўстлик каби умуминсоний мезонларга асосланилади. Яъни, санъатнинг жамият ҳаёти, маънавий оламига таъсири бирламчи аҳамият касб этади. Демак, пойтахтимиз мезбонлик қиладиган навбатдаги халқаро санъат анжумани илғор ижодий тажрибалар сари кенг йўл очиш билан бирга, унда долзарб аҳамиятга эга ижтимоий, маданий мавзуларга ҳам эътибор қаратилади.



“Ўхшашлик ва коммуникативлик”, “Уруш ва тинчлик”, “Аёл ва эркак”, “Фоний ва боқий”... Бу мавзулар бўлажак санъат анжумани қамраб оладиган ижодий лойиҳаларнинг умумий мундарижаси. Ҳар бир рассом уларни ўз тажрибасига асосланиб тадқиқ этади, янги ғоя ва қарашларни илгари суради. Гарчи бу мавзулар санъат олами учун азалий изланиш объектлари ҳисобланса-да, рассомлар замонавий технологиялар ва услублар асосида уларга қайтадан мурожаат қилиши зарур. Бугунги жаҳон санъатида “contemporary art” деган умумий ном билан аталувчи йўналиш ижодий лойиҳаларнинг асосий ифода усулларини белгилаб беради.

Биенналеда Яқин Шарқ, Европа, Осиё, Лотин Америкасидаги қирқдан ортиқ мамлакатлардан ижодкорлар ўз лойиҳаларини тақдим этишини ҳисобга олсак, изланишлар доираси кенг ва ранг-баранг бўлиши аниқ. Қолаверса, иштирокчилар сони янада кенгайишини ҳам унутмайлик. Зеро, бу сафарги санъат анжуманида фото санъатига ҳам алоҳида ўрин ажратилиб, кўплаб ижодкорларни бирлаштирган йирик лойиҳа тайёрланади. Бу жўшқин жараёнда юртимиз ижодкорлари ҳам фаол иштирок этади. Улар орасида халқаро миқёсдаги санъат анжуманларида катта тажриба орттирган Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов, Заур Мансуров, Муҳаммад Фозили, Александр Николаев сингари истеъдодли мусаввирлар бор. Шунингдек, “Ёшлар халқаро лойиҳаси”да Доно Ғаниева, Инна Сандлер, Моҳира Жуманиёзова, Музаффар Йўлчиев, Сардор Эркинов сингари умидли рассомларимиз ўз ишларини намойиш этади.

Замонавий санъат биеннелеси Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги билан уйғунликда ўтказилиши ҳам, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Аслини олганда Тошкент биенналесини озодлигимизнинг кенг маънодаги маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, мустақилликка қадар юртимизда бундай нуфуз ва кўламга эга халқаро санъат анжуманини ўтказиш учун шароит йўқ эди. Турган гапки, Тошкент биенналеси ўзбек рассомларининг истиқлол давридаги изланишлари, эришилган ютуқлар олдинда турган вазифаларга теран назар солишга имкон беради. Хориж мамлакатларидан ташриф буюрадиган кўзга кўринган ижодкорлар, соҳа мутахассислари замонавий ўзбек санъати билан танишиш баробарида халқимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан воқиф бўлишади.

Биеннале бош мутасаддиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Нигора Аҳмедованинг айтишича, бугун Ғарб ва Шарқ санъатини ажратувчи чегаралар тобора қисқариб, ижодий ҳамкорликка эҳтиёж ошмоқда. Шу маънода Тошкент биенналесида, Шарқ ижодкорларига катта эътибор қаратилиши тасодиф эмас. Кўҳна цивилизациялар бешиги ҳисобланган ушбу минтақадаги мамлакатларда Европанинг етакчи санъат марказларида таълим олиб, фаол ижод қилаётган рассомлар бугун кўпчиликни ташкил этади. Улар маҳорат ва савия борасида ғарблик ижодкорлардан сира қолишмайди. Яъни, Шарқда жаҳон санъатининг тараққиётини белгилаб беришга қодир катта ижодий салоҳият бор ва пойтахтимизда ўтадиган санъат анжумани янги номларни кашф этиб, истиқболи порлоқ умидли ижодкорлар учун муҳим минбарга айланади.

Айни кунларда нуфузли санъат анжуманига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Унинг доирасида ижодий ва илмий йўналишдаги қизиқарли тадбирлар бўлиб ўтади. Асосий намойишларни Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал-боғ музейи, Халқаро маданият карвонсаройи, “Мингўрик” археологик ёдгорлигида ўтказиш режалаштирилган. Йирик кўргазмалар ўз навбатида ижодий учрашувларга, маҳорат дарсларию илмий анжуманларга уланади. Умуман, биеннале ижодкорлару оддий томошабинлардан тортиб, соҳа мутахассислари, санъатшунослару тадқиқотчи олимлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотиши аниқ. Бир сўз билан айтганда, Тошкент биенналеси 2016 йилда Ўзбекистон тасвирий санъатидаги энг йирик воқеага айланади. Шунга яраша анжуман довруғи, иштирокчиларининг салмоғию савияси ҳам ортаётир. Демак, ижодий изланишлар чегараси кенгайиб, жаҳон мусаввирлари ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлигу дўстлик алоқалари мустаҳкамланаверади.

**А.ИМОМОВ**

# ТЕРМИЗДАН ИТАЛИЯГАЧА

Истиқлол фарзандлари



Ҳозирда композиторлик соҳасида самарали ижод қилиб келаётган Фарҳод Назаров консерваторияда Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Мустафо Бафоев синфида таҳсил олган. “Бастакорлик — мураккаб касблардан, — дейди устоз шогирди ҳақида гап бошларкан. — Шу соҳани мукаммал ўрганиш учун Фарҳод олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажарди. Ўзига талабчанлиги, изланувчанлиги ва интилувчанлиги сабаб бугунги кунда бир қатор ютуқларга эришди. Консерваторияни фортепиано ва симфоник оркестр учун ёзган “Концерт”и билан муваффақиятли тамомлади. Кўпгина халқаро ёш композиторлар танловларида иштирок этди. Ҳар бирида совринли ўринларни эгаллади. Шундай шогирдим борлигидан фахрланаман”.

Дарҳақиқат, Ф.Назаров 2015 йили Россиянинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Романтизм истоки горизонта” халқаро танловида 3-ўрин, шу йил Черногория Республикасида ўтган халқаро композиторлар танловида иккинчи, Санкт-Петербургдаги “Виват талант” халқаро танловида 3-ўринга сазовор бўлди. Яқинда эса Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган “Sun of Italy” халқаро танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Танловда у фортепиано учун “Фантазия” асари билан қатнашди. Асарда акс этган миллий ва умуминсоний ғоя, беназир талқин, профессионал баён услуби ҳайъат аъзолари ва тингловчилар эътиборини жалб этди.

— Бундай мураккаб танловда биринчи ўринни эгаллаганим нафақат менинг, балки халқимнинг, устозларимнинг ютуғи, — дейди ёш ижодкор. — Йиллар давомида тинглаб, қулоғимга сингиб қолган оҳангларни тўғри тушуниб етишимда, улар негизида шахсий ижодий қирраларим очилишида устозларимнинг хизматлари катта. Бунинг учун улардан миннатдорман.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, ёш композитор Фарҳод Назаров бугун бутун диққатини янги симфоник асар яратишга жамлаган. Ижод билан бир қаторда Сурхондарё вилояти Термиз санъат коллежида ёш ўқитувчи сифатида талабаларга санъат сирларини ўргатмоқда.

**Муҳайё НАБИЕВА,**
**мусиқашунос**

# ОНА ЮРТНИ ШАРАФЛАБ

Танлов

Ватан — такрор-такрор куйланса-да, эскирмайдиган мангу қўшиқ. Эшитганинг сари энтикадиган, кўксингни ёниқ туйғулар билан тўлдирадиган тарона. Оҳанглари қалбни улғайтиради, инсонни камол топишга ундайди. Мустақил Ўзбекистон мадҳи шу сабабли ҳам авлодлар тилию дилида куйланади. Истиқлол байрами арафасида ташкил этиладиган кўплаб кўрик-танловларда юрт ишқи билан ёнган юраклар садоси янграйди. Ватан учун яратилган гўзал қўшиқлар барча учун севимли. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, қамрови кенгайиб, иштирокчилар сони ошиб бораётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови янги истеъдодларни кашф этиб, Ватан мавзусидаги энг сара, мазмунан теран, савияси юксак қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантирмоқда.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг якуний босқичида ҳудудларда ғолибликни қўлга киритган ҳаваскор ва профессионал ижрочилар қатнашди. Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари ҳамда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизимида ғолибликни қўлга киритган хонандалар ўзаро куч синашдилар.

Қатнашчилар учун ёш ва жанр жиҳатидан қатъий талаблар белгиланмаган мазкур кўрик-танловнинг вазирлик ва идоралар, ташкилотлар тизимидаги босқичларида олтмиш беш мингдан ортиқ ижодкор қатнашгани унинг нуфузи ва қамрови йилдан йилга кенгайиб бораётганидан далолат беради. “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган танлов иштирокчиларининг чиқишлари халқ артистлари, бастакорлар, шоирлар, етук мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Бу жараёнда қўшиқнинг бадиий савияси, матн ва куй уйғунлигига алоҳида аҳамият берилди, иштирокчиларнинг саҳна маданияти, ижро маҳорати эътиборга олинди. Профессионал хонандалар ва ҳаваскорлар тинч-осуда ҳаётимиз, гўзал табиатимиз, бобомерос урф-одат ва қадриятларимиз, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатларини улуғловчи, истиқлолни шарафловчи қўшиқларни ижро этишди.

— Ватанга меҳр-муҳаббатимиз шу заминда улғайиб, комиллик чўққисига кўтарилган, дунё илм-фанига ҳисса қўшган буюк аждодларимиздан фахрланиш туйғулари билан суғорилган, — дейди “Ниҳол” мукофоти совриндори, хонанда Зулхумор Мамарасулзода. — Танловда янги қўшиғим билан иштирок этдим. Ушбу қўшиқ шу замин тупроғини азиз билган, улуғлаган ота-боболаримга миннатдорлик ҳисси билан йўғрилган.




2009 йилдан буён ўтказилиб келинаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови бугунга қадар кўплаб истеъдодли хонандалар ижодини юзага чиқариб, уларни кенг жамоатчиликка танитиш йўлида хизмат қилмоқда. Танловнинг Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида ўтказилиши унинг байрамолди тадбирлар ичида ўзига хос аҳамиятга эгалигидан, тантанаворлигидан дарак беради. Ғолиб ва совриндорларнинг номи истиқлол байрами арафасида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

# “ҚЎЛИНГДАН КЕЛГУНЧА ЧИҚАР ЯХШИ ОТ...”

Умр ибрати

Киши ўз касбини дилдан севса, қилаётган ишидан завқ туйса, юмуши қутли, унумли бўлиб, бошқаларга ҳам манзур келади.

Ўткир Тоҳировни кўпчилик халқ ижодиётининг толмас жонкуяри сифатида қадрлайди. Унинг маданият соҳасини танлаши тасодиф эмас. Таъбир жоиз бўлса, бу соҳа она алласи билан онгига сингишган. Сабаби, онаси Манзура Каримова биринчи маданият ходимларидан эди. Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб ғазалларини қироат билан фарзандларига ўқиб берар, адабиёт ва санъатга ошнолик бу оилада тарбия асосларидан саналарди.



Мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ Ў.Тоҳиров синфдошлари ва маҳалладаги санъат ихлосмандлари билан бирга кичик-кичик саҳна томошалари тайёрлаб, маданият уйларида намойиш қилишарди. Ўқишни тугатгач, Алишер Навоий номидаги маданият уйи бадиий раҳбари сифатида фаолиятини бошлади.

Ўткир Тоҳировнинг халқ миллий қадриятларига муҳаббати меҳнат фаолиятининг асосий қисми ўтган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик марказида ёрқин кўринди. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқ ижодиётини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилгани боис кўрик-танловлар, фольклор байрам-сайллари, халқ санъати фестиваллари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларнинг кўлами кенгайди. Бахши-шоирлар, оқинлар, жировлар, аскиячи-қизиқчилар, ўланчи-лапарчилар, алла ижрочилари, қўғирчоқбоз ва дорбозлар, фольклор-этнографик жамоалари қатнашчилари, ҳаваскорлик театри ижрочилари, шунингдек, турли кўрик-танловлар мамлакатимиз маданий-маърифий тараққиётида муҳим ўрин тутадиган тадбирлар даражасига кўтарилди.

Устознинг жонбозлиги боис вилоятларда ижод қилувчи фольклор ижрочилари ва фольклор-этнографик жамоалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида кўплаб илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Янгидан ташкил этилган Фольклор кенгаши томонидан ўтказилган “Халқ ижоди ва давр”, “Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси”, “Ҳозирги давр халқ бахшилари санъати”, “Миллий истиқлол ғояси ва фольклор санъати”, “Фольклор санъати ва унинг маданий-маънавий тараққиётда тутган ўрни”, “Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари” каби илмий-амалий анжуманлар халқимиз миллий қадриятларини тиклаш, аждодларимиз бадиий тафаккурининг ўзига хос кўзгусига айланган фольклор санъатини янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар ечимига бағишланди.

Халқ ижодиёти маркази, Тил ва адабиёт, Санъатшунослик институтлари ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида иш олиб борган “Остонаси тиллодан” фольклор экспедицияси қадимий қадриятларимиз фидойи тарғиботчиси Ўткир Тоҳиров ташаббуси билан ташкил этилди. Экспедиция натижалари телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларда мунтазам бериб борилди, “Остонаси тиллодан” китоби дунёга келди. Ўткир аканинг ўлан жанрини тиклаш борасида олиб борган кўп йиллик самарали изланишлари натижасида оҳангаронлик моҳир ўланчилар Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қосимхонова, учкўприклик Содиқжон Ҳасанов, Зомин ўлан ижрочилиги анъаналарини тиклаган Бахтиёр Ҳакимов ҳамда Мамлакат Бўронова сингари истеъдод соҳиблари етишиб чиқди.

Жонкуяр маданият тарғиботчиси фольклор-этнографик жамоалари билан бирга дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларида халқаро фольклор фестивалларида қатнашиб, халқимиз бадиий даҳосининг нечоғли буюклигини кўрсатишга муносиб ҳисса қўшди. 2009 йили “Фарҳод” маданият саройи ҳузуридаги “Сардоба” фольклор-этнографик ансамбли билан Болгарияга қилган ижодий сафарида ўзи саҳналаштирган “Лачак тўйи” томоша дастури билан халқаро фольклор фестивалининг бош совринига сазовор бўлишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров бугун ҳам халқ хизматида, ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда.

Бахши боболаримиз: “Қўлингдан келгунча чиқар яхши от, Яхшилик қил болам, ёмонликни от” деганидай инсон эзгу ишлари, яхши амаллари билангина инсондир. Ўткир аканинг сермазмун ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади.

**Шомирза ТУРДИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

# МУМТОЗ НАВОЛАР ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаевнинг “Кўзига сурма қилди”, “Юраги тоза бўлсин”, “Зор этма”, “Дастингдан”, “Ноз уйқуси”, “Афсона деб” каби юздан ортиқ ашулалари ўзбек қўшиқчилик санъатида алоҳида жозибаси билан ажралиб туради. Ҳофиз томонидан мақом ва мумтоз ашула йўлларида “Наврўзи сабо”, “Феруз”, “Мўғулчаи Наво”, “Чапандози Баёт”, “Чоргоҳ”, “Бухоро Ироғи”, “Сувора” катта ашулалардан “Соғиндим”, “Оҳким” каби сара асарлар ўзига хос ижро услубида талқин этилган.

Эсон Лутфуллаев ижодий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази, Миллий телерадиокомпания, қатор жамоат ташкилотлари, Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида устоз ҳофиз хотирасига бағишлаб кўрик-танлов ўтказилди. Тадбир Юнус Ражабий номидаги вилоят театрида бўлиб ўтди. Устоз наволарини маромига етказиб ижро этишга астойдил интилган ҳаваскор хонандаларнинг чиқишларини мухлислар олқишлар билан кутиб олдилар.

Ҳайъат хулосасига кўра, Жиззах вилоятидан Қутлуғ Ҳайдаров биринчи, Андижон вилоятидан Лочин Абдуллаев ва Азизбек Абдулазизов (жўровоз), Жиззах вилоятидан Отаёр Амруллаев иккинчи, Бухоро вилоятидан Дилшод Ҳайдаров, самарқандлик Дилшод Жўраев ва Мақсуд Бердиқулов (жўровоз) ҳамда фарғоналик Шерали Раҳмонов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар марказининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ**

# КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ

Китоб қайси тилда чоп этилишидан қатъи назар инсоният маънавиятини шакллантирувчи, халқларни бирлаштирувчи, эзгу мақсадлар сари етакловчи беқиёс куч ҳисобланади. Шу боис, ўғил-қизларимизни китобсевар қилиб тарбиялаш мақсадида нашриётларда болаларбоп адабиётлар чоп этиш, уларни бир неча алифбода нашр этиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг барча шаҳар, туманларида вазирликлар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган “Оилавий китобхонлик байрами” тадбирлари Соғлом она ва бола йили дастурида белгиланган тадбирларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Тадбир доирасида “Энг яхши китобхон”, “Китоб — энг яхши совға”, “Китобхон оила” мавзуларида интеллектуал мусобақа ва викториналар ўтказилди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли ижодкорлар Умида Абдуазимова, Ашурали Боймурод, Мирзо Карим, Ботир Эргашевларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Янги нашрлар

## “АҒАБИЙ”




Таниқли қорақалпоқ адиби, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенесбой Каримовнинг бир неча шеърлар тўплами, “Ағабий”, “Улуғдашт бўрилари” номли тарихий романлари, жаҳон адабиёти классиклари ижодидан таржималари аллақачон китобхонларнинг, адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонган. У кўп йиллар Қорақалпоғистон матбуотида, телевидениеси ва радиосида хизмат қилиб, долзарб мавзулардаги публицистик мақолалари, очерклари билан журналистика ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Урганчдаги “Хоразм” нашриётида яқинда Кенесбой Каримовнинг “Ағабий” номли икки китобдан иборат тарихий романининг учинчи китоби — “Аққапшиқ” номли романи чоп этилди. Асарда ўтган XX аср бошларидаги воқеалар тасвирланган: қорақалпоқ халқи бошдан кечирган оғир кунлар, очарчилик, камбағаллик, эркинлик учун кураш, эл орасидан чиққан қаҳрамонларнинг фидойилиги кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга, романда ўтган асрдаги қорақалпоқ халқининг турмуши, урф-одатлари, маданияти, миллий либослари ҳам маҳорат билан чизиб берилганки, бундай тиниқ, таъсирчан лавҳалар асарнинг қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган.

## “БИРОВНИНГ БАХТИ”



“Ўзбекистон” нашриёти чоп этган Жовли Хушбоқнинг “Бировнинг бахти” тўплами адабий ўйлар, ҳикоялар ва публицистик тадқиқотдан таркиб топган.

Китобнинг “Адабий ўйлар” қисмида бир қатор ёзувчилар, истеъдодли шоирлар қаламига мансуб асарлар адабий-бадиий жиҳатдан таҳлил этилган. “Ҳикоялар”, “Ёзувчи табассуми” сингари бўлимларда кундалик ҳаётимизда учраб турадиган ҳаётий воқеалар қаламга олинган. Муаллиф оддий ва жўмард қаҳрамонларнинг ҳаёт чорраҳаларида танлаган йўли, кўнгил кечинмалари, севги ва изтироблари, орзу-умидларини ўзига хос тарзда акс эттирган. Содда ва равон ифода йўсини тўпламга кирган ҳикояларнинг ўқишли бўлишини таъминлаган. “Эркак” номли публицистик тадқиқотда эркаклар ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар келтирилган.

## “ХУШХАБАР”




Баҳриддин Садриддиновнинг “Хушхабар” (“Наврўз”, 2016) тўпламидан ўрин олган шеърлардан мовий тоғларнинг, она замин бағридан қайнаб чиққан тиниқ булоқларнинг хуш нафаси уфуради. Ватанни куйловчи мисраларда ўқувчи кўнглига хуш ёқувчи халқона руҳ етакчилик қилади. Шу сабаб ҳам дилга етиб борадиган кўнгил изҳорлари тезда ёдда қолади. Турли мавзулар қамраб олинган шеърларда гўзал туйғулар тараннуми, ошиқ дилнинг орзу-армонлари билан бирга табиат манзаралари, фасллар зийнати гўзал чизгиларда акс эттирилган. Самимий сатрлардаги лирик қаҳрамоннинг ўй-хаёллари, ички кечинмалари китобхон кўнглига тез кўчади. Шоир айрим шеърларида донишманд бобо, меҳрибон ота сифатида ўғилу қизларига ҳаёт ҳикматларидан сабоқ берса, юракдан тошиб чиққан изҳорларида муҳаббатга ташна кўнгил кишиси тимсолида гавдаланади.

## “МАҚТАНЧОҚ МУШУК”



Ўқувчилик йиллариданоқ адабиётга меҳр қўйган Очил Тоҳир олийгоҳда таҳсил олган кезларида бадиий ижод билан жиддий шуғуллана бошлади. Шеърлари аста-секин матбуотда эълон қилина бошланди. Фаолиятини тележурналистика соҳасида бошлаган ижодкор узоқ йиллар давомида “Ўзбекистон” телерадиоканалининг қатор маърифий кўрсатувларига муҳаррирлик қилди.

“Қарз”, “Соғинч соҳили”, “Кўнглим билан суҳбат” сингари шеърий тўпламлари билан мухлислари қалбига кириб борган шоирнинг янги “Мақтанчоқ мушук” номли шеърий тўплами “Ўзбекистон” нашриёти томонидан чоп этилди. Тўпламдан болаларга бағишланган шеърлар ва достонлар ўрин олган.

“Болажон, жон болам!”, “Устозимга”, “Одоб”, “Камалак” каби шеърларда ҳур диёрга, она табиатга бўлган муҳаббат мадҳ этилган. “Тажриба” сарлавҳали шеърда ўқитувчи олмада темир моддаси сероблиги, унинг соғлиққа фойдаси ҳақида гапиради. Қизиқувчан Акрам эса уни ўз “тажриба”сида синаб кўргач, устозга шундай дейди:

**...Ишонмайман сира ҳам**
**Бу тўғри эмас, ахир...**
**Дарахтлар аро кезиб,**
**Улар устидан бир-бир,**
**Кўрдим магнит юргизиб.**
**Синаб кўрдим эринмай,**
**Тажрибамдан ўтмади.**
**Мен қанчалик уринмай,**
**Олма қилт ҳам этмади.**

Юморга йўғрилган, якунда ибратли хулоса чиқарилган “Муғомбирнинг жазоси”, “Олма”, “Мақтанчоқ мушук” сингари ўнлаб шеърлар жажжи китобхонларга манзур бўлиши тайин.

**Абдулла АЙИЗОВ**

Журналларни варақлаганда

## “МАЪНАВИЙ ҲАЁТ” 2016 йил, 2-сон

Маънавий эҳтиёж сифатида туғилган ишларгина эл-юртни, бутун мамлакат аҳлини аниқ мақсад-муддао, фаол ҳаракатга чорлаш кучига эга бўлади. Дарҳақиқат, халқимиз “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида шонли айём — Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тараддуд кўрмоқда. Журнал таҳририяти номидан илк саҳифаларда берилган мақолада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар, бу қарорнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида сўз юритилади.




Хотира — муқаддас, қадр — мухтарам. “Отам, онам, мен ва уруш” сарлавҳали мақолада муаллиф иккинчи жаҳон уруши жароҳатлари ҳақида сўз юритаркан, бу ғам-аламлар бугунги тинчлик-осойишталик қадрини теран ҳис этишга чорлаб туришини таъкидлайди. Журналист Азим Рўзиев “Пахтага ўраб отилган тошлар” мақоласида яқин ўтмишда “пахта иши” деган тамға билан халқимизга туҳмат тошлари отилгани ҳақида ҳикоя қилади. Ўша мудҳиш воқеаларни эслаганда бугунги дориломон кунлар қадри кўз ўнгимизда янада юксалади.

Яна бир қатор мақолалар, жумладан, Т.Ҳабибуллаев, Т.Жўраев, ёзувчи Наби Жалолиддиннинг чиқишларида ҳам собиқ шўро тузуми даврида оддий меҳнаткашлар чеккан жабр-зулумлар эсланиб, Истиқлол берган омонлик, бахт-саодатга шукроналар айтилган.

Болалар қўшиқчилиги муаммолари ва бу соҳадаги изланишларга бағишланган Ш.Рофиеванинг, “комил инсон” тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида мушоҳада юритилган И.Саидов мақолаларида қаламга олинган мавзулар долзарблиги билан эътиборни тортади. И.Жўраевнинг “3630 кун: зулмат ичра нур” мақоласида мудҳиш қатағон даврида Ойбекнинг “Навоий” романи юзлаб маҳбуслар руҳиятига қайта ҳаёт бағишлагани ҳақида далиллар орқали ҳикоя қилинган.

“Мен муаллим ва устозлар борасида тақдиримдан нолимасам бўлади”, деб ёзади таниқли шоир Миразиз Аъзам “Хотира дарслари” мақоласида. Муаллифнинг кузатувлари, фикр-мулоҳазалари атоқли олима Фозила Сулаймонованинг сабоқлари, илмий-ижодий фаолиятини ёритишга бағишланган.

Ушбу сонда берилган Мусулмон Намознинг “Тўғри гапдан кўкаради, кўпаяди эл”, Гулжаҳон Намозованинг “Митти филм мултфилм” мақолалари, маданий ҳаёт янгиликлари ҳам журнал мундарижасини бойитган, унга ранг-баранглик бағишлаган.

Шукрона

# АЁЛ ҚАДРИ

**«Мактабга... Мактабга барибир бораман!» Ўн икки ёшли Муҳтарама шу сўзларни тинмай такрорлайди. Совуқ жон-жонидан ўтиб боради. Пайпоқсиз кийиб олган калиши қорга ботиб, чўяндай оёғига оғирлик қилади. “Мактабга... мактабга...” Тепаликда жойлашган мактабга интилаётган нозик вужудга шу илинжгина иликлик, куч бағишлайди...**

Мактабга етиб борганида муаллим уни кўриб, ёрдамга шошилади. «Нега, нега бу аҳволда келдинг, пайпоғинг қани?» дея койийди. «Совқотмадим, калишимнинг патаги бор», дейди Муҳтарама зўрға овоз чиқариб. Ахир, мактабга бормасин, деб онаси пайпоқларини тортиб олганини қандай айтсин. «Ўн иккига кирди, ўқишни йиғиштирсин», дея отаси ҳукм чиқарган кундан бошлаб мактабга қочиб келаётгани, уйга боргач, бошида калтак синаётганини айтса бўлармикан... Муаллим ҳам энди келмай қўяқол, деса-чи? Муҳтарама унсиз ерга қаради...

Ювошгина қизалоқнинг бу қайсарлигидан ташвишга тушган ота-она уни тезроқ узатиш пайига тушишди. Муҳтарамани ўзидан анча ёши катта кишига унаштириб қўйишди. Уй қамоғидаги қизалоқ кун санайди, шаҳарлик муаллимани кутади. Ўтган йили мактабга шаҳардан келган муаллима қизларга: «Сиз ҳам ўқишингиз керак, илм олиш сиз учун ҳам фарз», деган эди. У бир йилдан кейин яна келишини, «Хотин-қизлар билим юрти» деган мактабга уларни олиб боришини айтган эди. Мана бир йил ҳам ўтди. «Муаллима келса, хабарсиз қоламан», деган қўрқув Муҳтарамага тинчлик бермайди. Бир куни уйдан қочиб, мактаб яқинида яшайдиган аммасиникига борди. Энди мактабга бориши мумкин... Бироқ кеч кирганда отаси келиб, уни уйга олиб кетди. Тонгда қулоғига чалинган ота-онасининг суҳбати Муҳтарамани карахт қилиб қўйди: «Отаси, бу қиз юзимизни ерга қаратадиганга ўхшайди. Уни қопга солиб... сойга ташлаб келинг».

Муҳтарама уйдан қочиб кетди... Дастлаб хотин-қизлар билим юртида, сўнгра институтда ўқиди, ҳуқуқшунос бўлиб етишди. Вақт ўтиб, ота-онаси унинг «гуноҳлари»ни кечирди. Яхши йигитга турмушга чиқиб, бахтини топди. Бироқ у онасининг ўша тонгда айтган гапларини бот-бот ёдга олиб яшади. Сочларига оқ тушгандагина, Муҳтарама ота-онасининг бу ҳатти-ҳаракати, ҳаётга муносабати улар яшаган давр, жамият маҳсули эканлигини англаб етди...

Изтиробу машаққатлар, хўрланишу тазйиқлар ва ниҳоят, қувончу шукроналар йўлига айланган Муҳтарамалар ҳаёт йўли Мустақил Ватанимиз тарихига айланди...

* * *

Жаҳон чемпиони... Шоҳсупанинг энг юксак жойида турган Дилбарни оила аъзолари телевизор қаршисида туриб олқишлашди. Ўзбек қизи ғалабаси шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилди, мадҳияси янгради. Дилбарнинг кўзларида ёш жилваланди.

Набираси йиғлаяпти... Ватани шаънини муносиб ҳимоя қила олган қизалоғининг қувонч ва ҳаяжондан кўзлари ёшланди. Муҳтарама ая ҳам ўзини тута олмади, «Бувигинанг ўргилсин», дея йиғлай бошлади...

«Мана шундай қувончли кунлар учун яшасанг арзийди, етказганига шукр, умрим зое кетмабди...» Кун бўйи шукрона айтиб чарчамаган Муҳтарама ая тун кириб, боши ёстиққа тегиб ҳам хаёллар қуршовидан чиқолмасди. Ўғли ва келини ишда бўлгани учун беш яшар Дилбарни етаклаб илк бор спорт клубига олиб борган кунни, унинг машғулотлардан чиқишини пойлаб ўтказган соатлару дақиқаларни, фарзандлари учун елиб-югураётган бобою бувилар, ота-оналар билан қилган суҳбатларини бир-бир ёдга олди. Ўн икки ёшида ота-онасига-да қадрсиз бўлган ўзининг болалик даврию Дилбарнинг бутун бир юрт фахрига айланган бахт нашидасини хаёлан қиёслади: «Ҳа, энди инсон қадри ўзгарди. Ҳамма нарса ўзгарди, ҳатто кўзимдаги ёш ҳам энди ўзгача, шукрона ёшлари ҳам бўлар экан-да, ажаб...»

Муҳтарама аялар орзусини ушалтирган, Дилбарларни шарафли ҳаёт билан таъмин этган Истиқлолнинг чорак асрлик сарҳисоби кишини ҳайратга солади. Шу йиллар ичида юртимизда амалга оширилган туб ўзгаришлару ислоҳотларнинг мақсади — инсон, унинг фаровон турмуши ва бахти, қадр-қимматини оширишга қаратилди. Биргина ёш авлодга, аёлларга бўлган эътиборни олайлик. Изчиллик билан олиб борилган халқпарвар сиёсатнинг натижасида юртимиз аёллар ва болалар ўлими юқори кўрсаткичда турган ўлкадан соғлом она ва бола диёрига айланди. Инсонни қадрлашга, энг аввало, хотин-қизларни эъзозлашга, асраб-авайлашга, уларнинг ҳурмати ва жамиятдаги мавқеини оширишга катта эътибор қаратилди. Аёлга, онага бўлган муносабат моҳияти, мақсади собиқ истибдод даври билан қиёслаганда тубдан ўзгарди.

**“Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу таъкидлари мустақиллик йилларида бирор лаҳза эътиборимиздан четда қолмади. Фарзанди уч ёшгача бўлган оналар дам олишлари, тунги сменадаги ишлардан озод қилингани, ўн икки ёшгача боласи бор аёллар таътилига қўшимча кун қўшилгани ва шу сингари бошқа имтиёзларнинг қонуний кафолатлангани давлатимизнинг она ва бола саломатлигига, уларнинг тақдирига бўлган эътиборини яққол кўрсатди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва тарбиясига йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тарих саҳифаларига Истиқлол йилларининг — “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Соғлом она ва бола йили” сингари номлар билан муҳрланиши ҳам якдил мақсадга қаратилган давлат дастурларининг моҳиятини англатади. Энди аёлга қайсидир тузум манфаатларини кўзлаб эмас, балки унинг инсоний қадр-қимматидан келиб чиқиб эътибор қаратила бошланди.

Бешик тебратаётган аёл аслида ким? Унинг қувонч ва ҳаяжонини, орзу-интилишлари, ғайрату шижоати, ўктамлигу қатъиятини, энг аввало, бешикдаги гўдак ҳис қилади, илғайди, ўрнак олади. Ёки, аксинча, аёл гоҳ билиб, гоҳ билмаган ҳолда ўзининг мутелигу ожизлиги, тушкун ҳолатию беларволигини қўлидаги гўдак руҳиятига сингдиради. Демак, унинг кимлиги муҳим. Шу боис, қиз болани ғурурли, ориятли, билим ва кенг дунёқарашга эга, ҳаётнинг, ҳар бир куннинг, энг аввало, ўзининг қадрини англаган, миллатпарвар қилиб тарбиялашга эътибор қаратиш яна-да муҳим. Истиқлол йиллари фарзандларимизни болалигидан илм-маърифатга, соғлом турмушга, касбга йўналтириш, иқтидорини эрта аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида қилинган ишларнинг асл моҳияти ҳам шунга қаратилди. Бугун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз сони 240 нафарга етди. Унга кўплаб қизлар тайёргарлик кўриши, интилишини ҳисобга олсак, қанча салоҳият, иқтидор эгалари вояга етаётганини англаймиз.

Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўлида сарф қилинаётган куч ва маблағ, мунтазам равишда ўтказилаётган мусобақалар, спартакиадалар, фестиваллар йилдан-йилга ўз натижасини кўрсатмоқда. Ўрта махсус мажбурий таълим жараёнида ҳар бир қизга берилаётган икки-учта касб-ҳунар ҳаёт мазмунини ўзгартирмоқда. Давлатимиз томонидан берилган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли бугун ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва илм-фан соҳасида аёлларимиз эришган ютуқлар кўп.

Илгари “дунё кўрган” деган ибора кенг фикр-дунёқарашга эга, кўп юртларда бўлган кишиларга нисбатан айтиларди. Бугун спортчи ва санъаткорлар, ишлаб чиқариш корхоналарига эга тадбиркорлар, олималар, шифокорлару ўқитувчилар, дизайнерлар — турли соҳада ишлаб-ижод қилаётган аёлларимиз ҳақида ҳам бемалол шундай дея оламиз. Бир замонлар “остона ҳатлаб кўчага чиқмаган” ўзбек аёли бугун етук мутахассис сифатида дунё кўриб, жаҳон мезонлари асосида иш юритишга интилмоқда.

Албатта, уларнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Ўтган йилларда 14 нафар ибратли аёлимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, икки нафар ижодкор аёл Ўзбекистон халқ шоири, 87 нафар хотин-қиз “Ниҳол” мукофоти, ўнлаб аёл санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти, бир қанча устоз ва мураббий аёллар Халқ ўқитувчиси, Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси ёки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист каби нуфузли унвонлар ва яна давлатимизнинг орден-медаллари билан тақдирланди.

Нимага эътибор берилса, ўша тараққий топади, қайси боғ парвариш қилинса, ўша ҳосил беради. Илло, бугун Юртбошимиз бошчилигида жонкуяр замондошларимизнинг аёлларга, ёш авлодга қаратилаётган эътибор туфайли юртимиз тарихдагидек янги бир уйғониш бешигига, асл даҳолар масканига айланиши шубҳасиз.

**Нилуфар НАМОЗОВА**


Таътил ҳам тугаяпти.

Томошага келинг

## ЖАННАТ ДИЁР ВАСФИДА

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассомлари Малик Набиев ва Рўзи Чориев ижодига бағишланган кўргазма намойиш этилмоқда. “Бизнинг мерос” туркумидаги экспозициядан рассомларнинг портрет, натюрморт, манзара жанрига доир юздан ортиқ асари ўрин олган. Портрет жанрида ўзига хос мактаб яратган Малик Набиевнинг “Абу Райҳон Беруний”, “Амир Темур”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” асарлари шарқона анъаналарга хослиги билан ажралиб турса, “Чўлпон”, “Ф.Хўжаев”, “Олим Хўжаев” сингари портретлар қаҳрамон сиймосининг образли даражада тасвир этилгани билан эътиборни тортади. Рўзи Чориевнинг “Қумқўрғон олмалари”, “Тўй”, “Баҳор”, “Қиш” каби асарлари Сурхон воҳасининг сўлим табиати, боғ-роғлари, самимий одамларига бағишланган. Рассом туғилиб ўсган масканга муҳаббати рамзи сифатида жуда кўплаб портретлар, манзаралар яратган. Академик рассомларнинг миллий анъаналарга бой асарлари хорижий галереяларда ҳам муваффақият билан намойиш этилган.

* * *

Тошкент Фотосуратлар уйида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган “Юрт мадҳи” номли кўргазма очилди. Унда рассом Султонбой Деҳқоновнинг озод ва обод диёримизни мадҳ этувчи етмишдан ортиқ суратлари намойиш этилмоқда. Миллий руҳ уфуриб турган суратларда бахтли болалик, кексаларимизнинг мамнун қиёфаси, ҳунармандлар ҳаёти, мустақиллик бунёдкорлари, кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимизнинг сўлим масканлари тасвирга олинган. Фотография ривожига ҳисса қўшаётган Султонбой Деҳқонов ижоди ўзига хос самимияти билан ажралиб туради.

**Дилноза ЗОКИРОВА**

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз:
uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.06

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3685. Буюртма S — 6715. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X